

Маҳалла

ISSN 2010-7013



9 772010 701000



№33 (2067)

ШАНБА, 20 АВГУСТ, 2022 ЙИЛ

www.xolisnazar.uz @xolis_nazar



Кексалар ўгити, панду насиҳати — ҳақиқатнинг ифодасидир

ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТГАН КЕКСАЛАР УЗОҚ ЙИЛЛАР ДАВОМИДА ЖАМИЯТ ВА ДАВЛАТ ИШИДА НАМУНАЛИ МЕҲНАТ ФАОЛИЯТИНИ ОЛИБ
БОРГАН. УЛАР ОРАСИДА КИМДИР ПЕДАГОГ, РАҲБАР, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА ТИББИЁТ СОҲАЛАРИДА ИШЛАБ, ХАЛҚҚА НАФИ ТЕККАН.

8-саҳифада.

ОММАВИЙ ҚАБУЛЛАРДАН СЎНГ...

**ҲАЁТИЙ ИСТАККА
АМАЛИЙ КЎМАК
БЕРИЛДИ**

5

ВАЗИЯТ

**ПУЛ ҚИЛИШ
НАВБАТИ ТАРИХИЙ
ЁДГОРЛИКЛАРГА
КЕЛДИМИ?**

12

МУЛОҲАЗА

**МАШИНАДАН ЧИҚИНДИ
УЛОҚТИРИШНИ ЖАРИМА
БИЛАН ТУГАТИБ
БЎЛАДИМИ?**

16

МОҲИЯТ

Ҳар бир маҳалланинг ўз жамғармаси бўлади

ЖАМҒАРМАНИ ТАСАРРУФ ЭТИШ БЎЙИЧА МАҲАЛЛА ТОМОНИДАН МУСТАҚИЛ ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ. МАҲАЛЛА ХУДУДИДАГИ МАВЖУД МУАММОЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ УЧУН ЎЗ МАБЛАҒЛАРИГА ЭГА БЎЛАДИ

Маҳаллада доимо иш қизғин, тизим тўхтовсиз жараёнда. Муаммо ҳам, ечим ҳам йиғинга келиб тақалади. Маҳалла раиси мазкур жараённинг ҳаммасида иштирок этиши шарт. Аммо шундай паллада раисларни қийнаб келаётган бир масала юзага чиқади: маҳалланинг ўз маблағига эга эмаслиги. Шу боис айрим ўринларда бу тузилма «номи улуг — супраси куруқ» ташкилотга айланиб қолаётгани бор гап.

Тўғри-да, кўп ҳолларда, ҳатто йиғин учун керакли бўлган концентрат маҳсулотлари, компьютер жиҳозларини маҳалла ходимлари ўз ҳисобидан сотиб олишга тўғри келяпти. Қолаверса, маҳаллага ўз муаммоси билан келаётганларнинг аксариятини битта масала қизиқтиради — моддий ёрдам. Маҳаллада бунинг учун алоҳида жамғарма йўқ, яъни пули йўқ. Бундан ташқари, йиғинлар ўз ҳудудидаги айрим камчиликларни (масалан, ички йўллари таъмирлаш, болалар, спорт майдончаларини қуриш) ўз билганича ҳал қилолмайди. Ўзида маблағ бўлмагани боис ё давлат дастурларига кўз тикади, ё бирор сахий тадбиркор кўлига қараб қолади.

Демак, ҳудуд ривожланиши ва йиғин ходимлари халқ ҳурматида сазовор бўлиши учун, аввало, маҳалланинг ҳисоб-рақамида зарур маблағи бўлиши керак. Шундагина раис кимгадир ёрдам бера олиши ёки харажатларини қоплай олиши мумкин. Арзимас оддий масалалар ечимида тадбиркорлар олдида бош эгиб бормади. Энг муҳими, маҳалла даражасидаги ҳар қандай муаммога шу жойнинг ўзига ечим топиш имкони бўлади.

МАҲАЛЛАНИНГ МОЛИЯВИЙ ИМКОНИАТИ КЕНГАЯДИ

Юқоридаги жиҳатлар Президент Шавкат Мирзиёев 2022 йил 16 августда имзолаган «Маҳалла институтининг жамият ҳаётидаги ролини мустақамлаш ва

молиявий имкониятини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорда ўз аксини топмоқда. Хўш, қарор билан қандай янгиликлар жорий этилади? Маҳалла том маънода молиявий мустақилликка эга бўладими?

Қарорга кўра, ҳар бир маҳалла учун юридик шахс мақомига эга бўлмаган **Маҳалланинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этиш жамғармаси** ташкил этилмоқда.

Жамғарма маблағларини шакллантириш манбалари этиб маҳалладаги ҳудуди 2 000 квадрат метргача бўлган давлат кўчмас мулк объектларини ҳоким ёрдамчисининг онлайн-бюджетномасига асосан, тўғридан-тўғри электрон онлайн-аукцион савдолари орқали сотишдан тушадиган ҳамда маҳалланинг мол-мулкни белгиланган тартибда ижарага беришдан олинадиган маблағлар белгиланди.

— Қолаверса, халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгаши қарорларига асосан, маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари ҳисобидан ажратиладиган маблағлар асосий манбалар сирасига киради, — дейди **Молия вазирлиги бошқарма бошлиғи Фазлиддин Нишон**. — Бундан ташқари, ҳоким ёрдамчиси тавсияси асосида маҳалла инфратузилмасини яхшилаш учун маҳаллий бюджетдан 2022 йилда 250 миллиард сўм ажратилган. Ушбу маблағлар жамғармага тушиши режалаштирилган. Улар ижтимоий-иқтисодий



аҳволдан келиб чиқиб, маҳаллий Кенгашилар томонидан маҳаллалар кесимида бўлилади. Шунингдек, жамғармага хомийлик хайриялари, хорижий (халқаро) молия институтлари ва бошқа хорижий ташкилотларнинг техник кўмак маблағлари (кредит, грант, беғараз ёрдам ва бошқалар) йўналтирилади.

ҲИСОБ-КИТОБЛАРГА КЎРА, УШБУ МАНБАЛАР ҲИСОБИДАН ҲАР БИР МАҲАЛЛАДАГИ ЖАМҒАРМАГА ЙИЛИГА КАМИДА 50 МИЛЛИОН СЎМ МИҚДОРИДА МАБЛАҒ КЕЛИБ ТУШИШИ КУТИЛМОҚДА.

МАБЛАҒЛАР ҚАЙСИ ЙЎНАЛИШЛАР УЧУН САРФЛАНАДИ?

Мазкур жамғармаларда шакллантирилган маблағлар амалдаги давлат бюджети, ижтимоий ривожлантириш дастурлари ва бошқа инструментлар билан қамраб олинмаган тадбирларга қўшимча равишда йўналтирилади ҳамда уларни тасарруф этиш бўйича маҳалла фуқаролар йиғинлари томонидан мустақил қарор қабул қилинади. Яъни маҳалла ҳудудидаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш учун ўз маблағларига эга бўлади.

Куйидагилар жамғармалар маблағларидан молиялаштирилган асосий йўналишлар ҳисобланади:

- ♦ маҳалла ҳудудидаги ички йўллари, электр энергияси ва табиий газ тармоқлари, ичимлик ва оқова сув тизимини таъмирлаш ва тиклаш;

- ♦ маҳалла биноси, маҳалла ҳудудида жойлашган спорт майдони, нурунийлар чойхонаси, ёшлар маркази, болалар майдончаси, кутубхона, маданият марказини қуриш, мукамал ва жорий таъмирлаш ҳамда уларни инвентар, мебель, компьютер техникаси ва бошқа ускуналар билан жиҳозлаш;
- ♦ маҳалла ҳудудида инфратузилмани ривожлантириш, «Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси доирасида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини амалга ошириш;
- ♦ ижтимоий ҳимояга муҳтож ва кам таъминланган оилаларга моддий кўмаклашиш ҳамда уларнинг тураржойларини таъмирлаш ва жиҳозлаш.

— Қарор билан бизни йиллар давомида қийнаган масалага ечим топилди, — дейди **Жомбой туманидаги «Каттақишлоқ» маҳалласи раиси Башорат Шамсиева**. — Бундай жамғарма бизга зарур эди. Эшигимизга маддад сўраб келган, бироқ кўлимиз боғлиқ ҳолда, уларга кўмак бера олмаган ҳолатларимиз кўп бўлган. Сизга илинч билан келган одамга ҳеч қандай ёрдам қила олмадик ўзимизни ҳам жуда қийнаб қўйган. Энди жамғарма орқали нафақат уларга кўмак бера оламиз, балки маҳалламиздаги бошқа ижтимоий муаммоларни ўз кучимиз билан бартараф этиб борамиз. Бундан, албатта, одамлар рози бўлади.

ВАЗИРЛИККА ҚАНДАЙ ВАЗИФАЛАР ТОПШИРИЛДИ?

Қарор билан яна бир масалага ойдинлик киритилмоқда. Яъни айрим ҳолларда маҳаллаларнинг аниқ чегаралари ҳақида, ҳатто ўша ҳудуд масъуллари етарли маълумотга эга бўлавермайди. Йиғинлар ҳудудининг қаердан бошланиб, қаерда тугаши доимо муҳокам аларга сабаб бўлган. Бу жиҳат, айниқса, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарлик ҳолатлари билан боғлиқ масалаларда яққол кўзга ташланади.

Шу боис 2023 йил 1 январга қадар Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги:

- ♦ Кадастр агентлиги билан биргаликда ҳар бир маҳалланинг аниқ чегараларини белгилайди;
- ♦ Давлат статистика қўмитаси билан ҳамкорликда маҳаллаларнинг ягона классификаторини ишлаб чиқиб, қўмита расмий веб-сайтида эълон қилинишини таъминлайди;
- ♦ Молия вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда маҳаллалар ташкил этилиши мезонларини улар ҳудудидаги **хонадонлар сонидан** келиб чиққан ҳолда белгилаш бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритади. Қолаверса, мазкур вазирлик билан **доимий равишда** жамғармалар фаолиятини самарали ташкил этиш бўйича ҳамкорлик қилади.

МЕНДА САВОЛ БОР...

ЧЕМПИОН СПОРТЧИЛАР СОЛИҚ ТЎЛАМАЙДИМИ?

— Яқинда чемпион шахматчиларимиз 600 миллион сўмдан мукофот пули олишди. Агар улар 12 фоиз солиқ тўласа, мукофотнинг 72 миллион сўми солиқ тортиладими?

Умида РАҲМАТОВА. Сирдарё вилояти.

Наргиза ФАХРИДДИНОВА, Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги бош юрист-консулти: — Солиқ кодексининг 369-моддаси 1-бандига кўра, Ўзбекистон Республикасининг давлат мукофотларига ва давлат пул мукофотларига сазовор бўлган солиқ тўловчилар олган бир йўла бериладиган давлат пул мукофоти ёки шунга тенг баҳодаги эсдалик совғаларининг қиймати,

шунингдек, Президент ёки Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида бир йўла бериладиган пул мукофоти ва совғалар жами даромад таркибига киритилмайди. Бундан ташқари, Солиқ кодексининг 378-моддаси 6-бандига кўра, халқаро спорт мусобақаларида совринли ўринларни эгаллагани учун спортчилар олган бир йўла бериладиган пул мукофотига даромад солиғи солинмайди.

Хуллас, эндиликда маҳалла раислари узоқ кутилган, уларни анча йиллардан бери ўйлантириб келган ва бугунги кунда долзарб аҳамият касб этаётган «молиявий дастак»ка эга бўлишади. Бу орқали уларнинг ўз ҳудудини обод қилиш ташаббуслари ортади, йиғин инфратузилмаси яхшиланади, эҳтиёжманд оилаларга кўмак кўрсатиш борасидаги ишлар кенгайди. Энг муҳими, бундан буён маҳаллага ишонч билан, илинч билан кўмак истаб келган одамлар ортга куруқ қўл билан қайтмайди. Маҳалла том маънода халққа яқин, кўмакчи, муаммога ечим топадиган тузилмага айланади.

Санжар ИСМАТОВ.

ДОЛЗАРБ МАВЗУ



ЙИҒИН ХОДИМЛАРИ ҚАНДАЙ ҲИМОЯ ҚИЛИНАДИ?

ЯҚИНГАЧА МАҲАЛЛА ХОДИМЛАРИ БОШҚА КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР УЧУН СТАТИСТИКА ЮРИТУВЧИ НОРАСМИЙ БЎЛИМГА АЙЛАНИБ ҚОЛГАНДИ. КИМГА ҚАНДАЙ МАЪЛУМОТ КЕРАК БЎЛСА, МАҲАЛЛАДАН СЎРАР, ТАЛАБ ҚИЛАРДИ. ЭНДИЛИКДА БУ КАБИ ҲОЛАТЛАР ҚОНУН БИЛАН ТАҚИҚЛАНАДИ

Аввал хабар берганимиздек, янги таҳрирдаги «Маҳалла тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди. Бу билан ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти тартибга солиниши, аввалги камчиликлар тўғриланиши, ислоҳ қилиниши назарда тутилган. Кўплаб маҳалла раислари ўз ҳуқуқлари кафолатланиши, ижтимоий ҳимоя ва меҳнат муносабатларига доир қандай янгиликлар кутилаётгани ҳақида маълумот беришимизни сўрашган. Қуйида ушбу саволларга жавоб қайтаришга ҳаракат қиламиз.

Янги таҳрирдаги қонун лойиҳасининг 38-моддасида маҳалла ходимларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш кафолатлари, 39-моддада ижтимоий ҳимоя қилиш, 40-модда маҳаллаларда меҳнат муносабатларига доир меъёрлар белгиланди.

Унга қўра, маҳалла ходимларининг фаолиятига асоссиз аралаштириш, уларга тааллуқли бўлмаган вазифаларни юклаш ёки бажаришга мажбурлаш, уларни вазифалари ва фаолият йўналишлари билан боғлиқ бўлмаган йиғилишлар ва бошқа тадбирларга жалб

қилиш мумкин эмаслиги қатъий кўрсатилди. Шунга асосан, маҳаллалар ходимлари қонунчиликда кўрсатилмаган вазифа, буйруқ, фармойиш ёки бошқа топшириқларни бажаришни рад этиш ҳуқуқига эга бўлмоқда.

Қолаверса, яқингача маҳалла ходимлари бошқа корхона ва ташкилотлар учун статистика юритувчи норасмий бўлимга айланиб қолганди. Кимга қандай маълумот керак бўлса, маҳалладан сўрар, талаб қиларди. Энди юқоридаги қонунга биноан, маҳалла ходимларидан қонунчиликда на-

зарда тutilмаган маълумотнома, таҳлилий материал ва статистик маълумотларни, шу жумладан, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига дахлдор маълумот ва материалларни тақдим этишни талаб қилиш тақиқланади.

Агар мана шу каби ҳолатлар содир бўлса, улардан ўзига боғлиқ бўлмаган ишлар талаб қилинса, маҳалла раислари бу қарорлар ва ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) тўғрисида юқори турувчи мансабдор шахсларга, прокурорга ёки судга қонунчиликда белгиланган тартибда шикоят қилиш ҳуқуқига эга бўлмоқда. Яъни маҳалла фаолиятига қонунга хилоф равишда аралашганлик ҳамда маҳалла раиси ва ходимлари фаолиятининг кафолатларини бузганлик қонунчиликда белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.

Маҳалла ходимларини ижтимоий ҳимоя қилишга доир 39-моддада уларнинг ижтимоий ҳимояси,

соғлиғини сақлаш, шунингдек, вазифаларини виждонан бажарган ва ижобий натижаларга эришган ходимларни маънавий ва моддий рағбатлантириш, шу жумладан, давлат мукофотларига тавсия этиш кўзда тутилмоқда.

Бунда маҳалла раисларига тиббиёт муассасалари томонидан имтиёзли тиббий хизматлар кўрсатилади, бир йилда бир марта бепул чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказилади, санаторийларга имтиёзли йўланмалар берилади. Шунингдек, фаолияти давомида меҳнат лаёқатини йўқотганда, ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарарни қоплаш учун давлат мажбурий сугуртаси билан таъминланади.

Ўз навбатида маҳаллаларда меҳнат муносабатлари 40-моддага асосан, тартибга солинмоқда. Маҳалла раиси ва ходимларининг меҳнат мажбуриятлари ва ҳуқуқлари, шунингдек, улар ўртасидаги ўзаро муноса-

бат масалалари меҳнат муносабатларини тартибга соладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳисобга олган ҳолда, маҳалла кенгаши томонидан қабул қилинадиган ва маҳалла раиси тасдиқлайдиган ички ҳужжатларда аниқлаштирилади.

Маҳалла ходимлари меҳнатига лавозим маоши шаклида ҳақ тўланади. Улар меҳнатига ҳақ тўлашнинг Ягона тариф сеткаси бўйича разрядлари ва ҳудуднинг ўзига хослиги ҳамда иш ҳажмидан келиб чиқиб, ҳар ойлик устама тўланади. Маҳалла ходимларига меҳнат ҳақи шакли ва тизимлари, мукофотлар, кўшимча тўловлар, устамалар, рағбатлантириш тартибдаги тўловлар, йиллик меҳнат таътиллари қонунчилик ҳужжатларида белгиланади.

Бахтиёр НОПОВ,
Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги бошқарма бошлиғи.

МАНЗАРА

«РЕЖАЛАРНИ ҲАМЖИҲАТЛИКДА АМАЛГА ОШИРАМИЗ»

Маҳалламиз аҳолиси, асосан, фермер хўжаликлари, кичик тадбиркорлик субъектлари, томорқа хўжаликларида фаолият юритади. Томорқада чорвачилик қилиш урфга кирган. Деярли барча хонадонларда қўй, қорамол боқилади. Бундан ташқари, паррандачилик, жумладан, қурка боқиш кенг қулоч ёзмақда.



Бўлиб ўтган сайловда аҳоли менга ишонч билдирди. Ўтган давр мобайнида ҳашар йўли билан бир километрдан ортиқ тупроқ йўлни шағаллаштирдик, «Опен бюджет» дастурида голиб чиқиб, бир километр йўл асфальтлаштирилди. Яна 300 метрлик ҳудудимизда янги конструкцияли бетон йўл қурилиши бошланган.

Бундан ташқари, маҳалламиз биносини қайта таъмирлаш учун маҳаллий бюджетдан 130 миллион сўм ажратилишига эришдик. Қурилиш ишлари шу кунларда бошланиш арафасида.

Режаларимиз кўп. Худудимизда битта давлат ва иккита ху-

сусий болалар боғчаси мавжуд бўлса-да, бу аҳоли эҳтиёжини тўла қамраб ололмапти. Хусусий боғчаларда фақат биттадан гуруҳ бор. Ҳозирда давлат-хусусий шерикчилик асосида яна қўшимча шу каби муассасалар ташкил қилиш ҳаракатидамиз.

Ичимлик сув, электр таъминотини яхшилаш керак. Ҳозир аҳоли соғлиқ учун хавфли бўлган сувдан ичади. Аввалги йилларда маҳаллани тоза ичимлик сув билан таъминлаш учун битта сув минораси қурилган эди. Аммо унинг қуввати фақат болалар боғчасинигина таъминлаш-

га етпти. Ҳокимлик, сувоқова ташкилотлари билан бир неча марта мазкур масалада музокара қилдик. Уйлашимча, муаммо тез орада ҳал этилади. Эски симёғочларни алмаштириш ишларини жадаллаштиришимиз керак.

Тадбиркорликни ривожлантириш — асосий режаларимдан бири. Тез орада аҳоли учун қуркачиликни ривожлантиришга кредитлар ажратилишига эришамиз.

Элдор БЕРДИҚУЛОВ,
Оқдарё туманидаги «Авазали» маҳалла фуқаролар йиғини раиси.

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

ЭҲТИЁЖМАНД ОИЛАЛАРГА ПАРРАНДА ТАРҚАТИЛДИ



Давлатобод туманида ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларда даромад манбаини яратиш, ўзини ўзи банд қилиш орқали камбағалликдан чиқариш бўйича амалий ишлар олиб борилмоқда.

Бу борада «Саховат ва кўмак» жамғармаси маблағлари ҳисобидан аҳоли қизиқиши ва истагига қўра, парранда тарқа-

тилиб, уйда турган ҳолда даромад топишлари учун шароит яратиб берилмоқда.

Туманда яшовчи «Темир дафтар»га киритилган 50 та оилага жамғарма маблағлари ҳисобидан 50 бошдан, жами 2 500 озуқа емлари бепул тарқатилди.

Х.АБДУРАҲМОНОВ.

ОММАВИЙ ҚАБУЛ

Давлатимиз раҳбари топшириғига асосан, Президент Халқ қабулхоналари Тошкент шаҳрида ташкил қилган навбатдаги оммавий қабулда 598 та масала кўриб чиқилган бўлса, деярли уч масаладан биттасига жойида ечим топилди. Олий суд, Бош прокуратура, ўндан зиёд вазирлик ва қўмиталар, секторлар раҳбарларининг жонли мулоқотларида инсон қадрини улуғлаш, инсонга хизмат қилиш, халқ манфаатини амалда таъминлаш асосий мезон, пировард мақсад бўлди.



Мурожаат асосидаги мулоқотлар самарали бўляпти

ПРЕЗИДЕНТ АСОС СОЛГАН ХАЛҚ БИЛАН МУЛОҚОТ ТИЗИМИ КўПЛАБ ИНСОНЛАРНИ АНЧА ВАҚТДАН БЕРИ ЎЙЛАНТИРИБ КЕЛАЁТГАН МАСАЛАЛАРИГА ЕЧИМ ТОПИШ БИЛАН БИРГА, «ИНСОН ҚАДРИ УЧУН» ҲОЯСИНИ АМАЛГА ОШИРИШДА МУҲИМ ПЛАТФОРМА БЎЛМОҚДА

Дурши Бутунова 35 йилдан буён Яшнобод туманидаги «Мой-кўрғон» маҳалласидаги 6-уйда яшайди. Мазкур хонадон аёлнинг турмуш ўртоғига ўзи ишлаган собиқ «Тошкент қишлоқ хўжалиги техникаси заводи» томонидан берилган, бироқ шу пайтгача уларнинг ҳомига расмийлаштирилмаган. Ўз уйида бамисоли бегонадек кун кечираётган Дурши опанинг мурожаатидан сўнг, Яшнобод тумани ҳокимлиги ушбу масалани ҳал қилишни ўз зиммасига олди.

Президент ғояси билан мурожаатлар тахлили асосида ижтимоий муҳофазага муҳтож оилаларни тураржой билан таъминлаш тизими йўлга қўйилиши мамлакатимиздаги инсонпарварлик сийёсатининг янги босқичи бўлди. Айни шу тизим самарасида минглаб юртдошларимизнинг энг бирламчи ҳаётий масалалари ҳал қилиб берилди ва бу эзгу

амаллар бугун давом эттирилмоқда. Дейлик, оммавий қабулга келган яшнободлик 82 ёшли Саломат Максудованинг ўзида ҳам, ўғлида ҳам ногиронлик бор. Улар 24 йилдан бери уй-жойсиз, баъзан қизининг, баъзан набирасининг 1 хонали уйида кун кечириб келади. Саломат ая айни шу масалада ёрдам сўрагач, аёл ва ўғли доимий тураржой билан таъминланадиган бўлди.

«Аёллар дафтари»га киритилган, боқувчисини йўқотган, эҳтиёжманд бир қатор мурожаатчи хотин-қизларга ипотека кредитлари бўйича субсидия олиш масаласида ҳуқуқий маслаҳат ва тушунтиришлар берилди.

Юнусободлик Дилбар Ортиқованинг уй-жой низосига, Улаш Ўсаровнинг хонадон олиб бериш ваъдаси билан анча маблағини қўлга киритиб, қайтариб бермаётган шахсларга қонуний чора кўришга оид мурожаатла-

ри ҳуқуқий майдонда ҳал қилиб бериладиган бўлди. Бир муддат аввал фирибгарлар тузоғига тушиб, уй-жойидан айрилишига бир баҳя қолган Малика Хайитова аввалги мурожаатидан сўнг прокуратура органлари қонун устуворлигини таъминлаб, хонадонни қайтарилишида амалий ёрдам кўрсатганини айтмоқда.

Адвокат Элдор Ортиқов Олий суд масъулларига ўзи қонуний вакил бўлган бекободлик Янглишой Эргашевага нисбатан жиноят ишлари бўйича Бекобод туман суди чиқарган ҳукмдан нозори бўлиб мурожаат қилди. Мулоқотдан сўнг бу масала жиноят ишлари бўйича вилоят судининг апелляция инстанциясида кўриб чиқиладиган бўлди.

Пойтахтлик Шавкат Раҳматуллаевнинг қўлини нотўғри муолажа қилишганига оид шикоятини ҳар томонлама ўрганиш, уни қайта тиббий текширувдан

ўтказиб, даволаш масалаларини Соғлиқни сақлаш вазирлиги масъуллари ўз зиммасига олди.

Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармаси масъулларига мурожаатлардан сўнг кўп йиллар солиқ тизимида ишлаган олмazorлик Хусан Боймуродовга пенсия тайинлашда тизимда ишлаган даври қайта ҳисоблаб чиқиладиган, олмazorлик Абдуманнон Раҳимовга даволаниши учун амалий ёрдам кўрсатиладиган бўлди.

Тошкент шаҳар транспорт бошқармаси масъуллари Шайхонтохур туманидаги «Тахтапул» маҳалласи аҳолисининг пиёдалар қатнови учун қулайлик яратиб беришга оид масаласини ижобий ҳал қилиб бериш учун зарур чора-тадбирларни белгилади.

Қабул давомида умумтаълим мактабларини битирган, касб-ҳунарсиз ва ишсиз бир қатор ёшларга Тошкент шаҳрида-

ги банд бўлмаган аҳолига хизмат кўрсатувчи Мономарказнинг махсус ўқув курсларига йўлланмалар топширилди.

Ҳа, чиндан ҳам, Президентимиз асос солган халқ билан мулоқот тизими кўпга инсонларни анча вақтдан бери ўйлантириб келаятган масалаларига ечим топиш билан бирга, «Инсон қадри учун» ғоясини амалга оширишда муҳим платформа бўлмоқда.

Президент Халқ қабулхоналари Юнусобод туманида ташкил қилган навбатдаги оммавий қабулда 590 нафар мурожаатчининг 598 та масаласига кўриб чиқилди. Уларнинг 179 таси жойида ҳал қилинган бўлса, 32 нафар мурожаатчига ҳуқуқий маслаҳат ва тушунтириш берилди, 387 та мурожаат бўйича аниқ муддат ва масъуллар белгиланиб, назоратга олинди.

Мансур АБДУСАТТОВ.

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

ХАВОТИР ИЛИНЖИ ИШОНЧГА АЙЛАНДИ

Денов туманидаги «Боғинав» маҳалласи ҳудудидаги Эко боғда Сурхондарё вилояти ҳокими бошчилигида секторлар, вилоят ҳокими ўринбосарлари, бошқарма ва ташкилотлар, Халқ қабулхонаси раҳбарларининг оммавий сайёр қабули ўтказилди.

Сайёр қабулда 338 нафар фуқаро томонидан ичимлик сув, ички йўллар таъмири, электр ва газ таъминоти, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот каби турли масалалар билан боғлиқ 407 та муаммо тингланди. Мурожаатларнинг 83 таси шу ернинг ўзида ижобий ҳал этилган бўлса, 21 та ер ажратиш билан боғлиқ мурожаатларга ҳуқуқий тушунтириш берилиб, 303 та муаммо ижроси муддат талаб этгани боис масъулларга қўшимча ўрганиш ўтказиб, ҳал этиш вазифаси юклатилди.

— Қабулга келиб, ўзимни анча йиллардан буён қийнаб келаятган масалага ечим топдим, — дейди **Матлуба Ҳолиқова**. — Фарзандимга тиббий ёрдам зарур эди. Уни ўзим даволатишга имкониятимиз етмай келаятганди. Сайёр қабулда фарзандимнинг вилоят тиббиёт марказида даволаниши учун йўлланма берилди.

Вилоят ҳокимининг сайёр қабуллари Кумқўрғон туманидаги «Сурхон соҳили» маҳалласида ҳам бўлиб ўтди. Унда Кумқўрғон, Олтинсой, Шўрчи, Жарқўрғон, Ангор туманлари аҳолисининг муаммолари тингланиб, уларни жойида ҳал

этиш йўллари изланди.

Жумладан, Нукус шаҳрида бўлиб ўтадиган 1-лига ўйинларида иштирок этиш учун сафар харажатларини қоплашда амалий ёрдам сўраб келган «Кумқўрғон-1977» футбол жамоасининг мурожаати ижобий ҳал этилиб, зарур бўлган 38 млн. сўм маблағ тўлаб берилдиган бўлди.

Шунингдек, "Ўзбекистон беш йиллиги" маҳалласида яшовчи 67 ёшли Холмўмин Қодировнинг даволаниши учун санаторияга йўлланма берилдиган, «Пахтаобод» маҳалласида яшовчи турмуш ўртоғи жазони ижро этиш муассасида бўлган фуқарога моддий ёрдам тайинланадиган бўлди.

Сайёр қабулда 342 нафар фуқаро томонидан ичимлик ва оқова суви, ички йўллар таъмири, электр ва газ таъминоти, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот каби турли масалалар билан боғлиқ 411 та муаммо тингланди. Уларнинг 91 таси шу ернинг ўзида ҳал қилинди, 12 тасига ҳуқуқий тушунтириш берилди, 308 та муаммо муддат талаб этгани боис қўшимча ўрганиш ўтказилиши айtilди.



ОММАВИЙ ҚАБУЛЛАРДАН СЎНГ...

Ҳаётини яқинлаштираётган амалий кўмак берилди

МАСЪУЛЛАРНИНГ ЖОЙЛАРГА ЧИКИБ АҲОЛИ БИЛАН БЕВОСИТА МУЛОҚОТ ҚИЛИШИ ХАЛҚНИНГ ҲАЁТИЙ МУАММОЛАРИНИ ТЕЗКОРЛИК БИЛАН ҲАЛ ЭТИШ ИМКОНИНИ БЕРМОҚДА

Президент ташаббуси билан тузилган Республика ишчи гуруҳининг ҳудудларда ўтказётган оммавий қабулларида юзлаб фуқароларнинг муаммосига ечим топилмоқда.

Самарқанд вилоятидаги Халқ қабулхоналарига жорий йилнинг 6 ойи давомида 10 минг 61 та мурожаат келиб тушган бўлиб, уларда 11 мингга яқин масала кўтарилган. Бу мурожаатларнинг 6 минг 640 таси ижобий ҳал қилиниб, 1 минг 910 тасига тушунтиришлар берилган бўлса, қолганлари кўриб чиқиш жараёнида.

Этиборлиси, вақт талаб қилувчи масалалар бир зум этибордан четда қолмаяпти. Аниқ мисолларга ўтсак. Каттақўрғон туманидаги 50-умумтаълим мактаби 420 ўринли бўлса-да, ўқувчилар сони 780 нафардан ошиб кетган. Синфхоналар етишмаслиги, табиийки, ўқитувчилар учун ҳам, ўқувчилар учун ҳам ўзига хос муаммоларни келтириб чиқариб, таълим сифатига салбий таъсир кўрсатаётган эди. Худуд аҳолиси мурожаатларидан сўнг, бу масала сектор раҳбарлари билан бирга ўрганилди, кенгашилди.

Айни пайтда бу ерда қиймати 980 миллион сўмлик 120 ўринли кўшимча бино қурилиши бошланди. Кўшимча бино 8 та янги синфхона, фаоллар залини ўз ичига олади, бу билан ўқувчи сифими билан боғлиқ масала ҳал қилинади.

Пастдарғом тумани маркази-

дан 25 километр олисда, Нуробод тумани билан чегарадош ҳудудда жойлашган «Элбек», «Сарикўл», «Каналёқа» ва «Умакай» маҳаллалари аҳолисини ҳам шунга ўхшаш масала ўйлантириб келарди. Сабаби, тўртта маҳалладаги 475 нафар ўқувчи 10-мактабга қатнар, ундаги шароитсизлик эса замонавий таълим беришга ҳалал қилаётган эди. Аҳоли мурожаатидан сўнг, бу ерда ҳам тегишли дастурлар асосида 1968 йилда дала шийпони ўрнида ташкил қилинган мактаб биносини таъмирлаш, ўқувчилар учун муносиб шароитлар яратишга киришилди. Бунинг учун дастур асосида 2 млрд. 850 миллион сўм маблағ ажратилди ва уч қаватдан иборат 360 ўринли замонавий мактаб биноси қуриб берилди.

Айни кунларда Оқдарё тумани «Пичоқчи» маҳалласидаги 30-мактаб педагогик жамоасининг мурожаати асосида таълим муассасаси биноси капитал таъмирланяпти. Халқ қабулхонаси ҳудуд аҳолиси талаби бўйича маҳалла маркази биносини таъмирлаш масаласини назоратга олди ва тегишли дастурларга киритди. Шу асосида маҳалла маркази учун барча қулайликларга эга бино қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Самарқанд тумани «Кўштанғали» маҳалласи аҳолиси ичимлик сув таъминотидаги камчиликларни бартараф этиш бўйича ёрдам сўраган эди. Бу муаммо масъуллар билан бирга жойига чиқиб ўрганилди. Шундан сўнг маҳаллий дастур асосида таъмирлаш ишлари бажарилиб, хонадонларга оби-ҳаёт кириб келди.

Пайариқ тумани «Бирлашув» маҳалласида яшовчи Дилором Ашурова сўровига асосан ўтказилган ўрганишлар ҳудуддаги Қийра, Қорақамар, Тўрткул ва Бирлашув қишлоқларидаги 787 та хонадоннинг етмиш фоиздан ортиғи ичимлик сув тармоғига уланмаганини кўрсатди. Мурожаат таклифга, таклиф лойиҳага, лойиҳа эса дастурга айланди. Айни пайтда Дилором Ашурова мурожаатидан сўнг маҳаллада иккита сув иншооти қурилиши ва 21 км. сув тармоғини тортиш ишлари бошлаб юборилди. Мутахассисларнинг айтишича, лойиҳа қиймати қарийб 7 млрд. сўм бўлиб, 540 та хонадонга обихаёт олиб киради.

Қабулларда тадбиркорлик, меҳнат ва бандлик, маҳалла, оила, хотин-қизлар йўналишига оид масалаларни ҳал қилишга катта этибор қаратилмоқда. Айтайлик, Қўшрабботнинг «Ян-



гикишлоқ» маҳалласида «Аёллар дафтари»га киритилган Юлдуз Исроиловага мурожаатидан сўнг ўз томорқасида иссиқхона қуриш учун кредит ажратилди. Ёхуд Иштихон туманининг «Катта қанғли» маҳалласида яшовчи Гузал Алиқуллова, «Хонақа» маҳалласида истиқомат қилувчи Илҳом Жозиловнинг кам фоизлик имтиёзли кредит олиш билан боғлиқ масалалари ҳал қилиб берилди.

Қўшраббот тумани «Соҳибкор» маҳалласида яшовчи, 5 нафар фарзандни тарбиялаб вояга етказётган Наргиза Очилова турмуш ўртоғининг бош миёсида ўтказилган жарроҳлик амалиётидан сўнг тўғилган лаёқатини йўқотганини билдирди. Икки нафар фарзанди талаба бўлгач, рўзғор харажатлари кўпайиб, турмуш ўртоғини даволатишга маблағ топа олмаган Н.Очилова айни масалада ёрдам сўраб мурожаат қилди. Мутасаддилар бу масалани жойига чиқиб ўргангач, беморга амалий ёрдам кўрсатилиб, соғлиғини тиклаб

олишига кўмаклашилди.

Оқдарё тумани «Наврўз» маҳалласида яшовчи Матлуба Умированинг уч фарзанди бор. «Аёллар дафтари»да рўйхатда турувчи бу аёлнинг мурожаатидан сўнг унинг уйи таъмирлаб берилди. Иштихонлик Нодира Ҳамроевнинг боқувчисини йўқотгани, 5 фарзандини ёлғиз ўзи улғайтираётгани, кўп йиллардан буён ижарада яшаб келаётгани инobatга олиниб, ёлғиз аёл ижтимоий уйга жойлаштирилди.

Мухтасар айтганда, Самарқанд вилоятида ҳар бир мурожаат синчиклаб ўрганилиши кўплаб муаммоларнинг ҳал бўлишига замин яратмоқда. Масъулларнинг жойларга чиқиб аҳоли билан бевосита мулоқот қилиши халқнинг ҳаётини муаммоларини тезкорлик билан ҳал этиш имконини бермоқда, бу ўз навбатида одамларнинг давлатга, адолат ва қонун устуворлигига, эртанги кунга ишончини янада мустаҳкамламоқда.

Мансур АБДУСАТТОРОВ.

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

ЯНГИ БИНО ҚАД РОСТЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 31 йиллиги байрами арафасида Балиқчи туманидаги «Зулфиқор» маҳалла фуқаролар йиғини янги бинода иш бошлади.

Маҳаллий тадбиркор Илҳомжон Қулматовнинг таъкидлашича, маҳалла гузариди янги барпо этилган бино ёнида келгусида савдо, хизмат кўрсатиш объектлари қад ростлайди. Бинонинг очилиш маросимида вилоят ҳокими ўринбосари Маҳмадҷон Нишонов, туман ҳокими Жасурбек Абдурайимов иштирок этди.

Қувонарлиси, маросим давомида маҳалладаги кам таъминланган, ёрдамга муҳтож оилалар ҳолидан хабар олиниб, тумандаги барча маҳалла фуқаролар йиғинларига компьютер жиҳозлари топширилди.

Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ.



ЖАРАЁН



«Биз ҳаракатдамиз ва изланишдан тўхтамаймиз!»

МАҲАЛЛА ЖАМИЯТНИНГ ҲАМ КЎЗИ, ҲАМ ҚУЛОҒИ, ҲАМ УЙҒОҚ ВИЖДОНИ БЎЛИШИ КЕРАК

Донишмандлар фикрича, босиб ўтилган йўлга қайта назар ташлаш, амалга оширилган ишларни сарҳисоб қилиш келажак учун пойдевор ҳозирлайди. Хўш, «Инсон кадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили»нинг ўтган даври мобайнида Қашқадарё вилояти Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бошқармаси томонидан қандай ишлар амалга оширилди? Келгусидаги режалар нималардан иборат? Бошқарма бошлиғи Шўхрат Турсунов шу ҳақда гапириб берди.

Маҳалла тизимидаги ислохотлардан кўзланган мақсад, энг аввало, тузилманинг халқ билан янада яқин бўлишига эришишдан иборатдир. Бугун буни тизимдаги ҳар бир раҳбар, жойлардаги мутасаддилар жуда яхши ҳис этмоғи зарур. Шу маънода маҳаллага қаратилаётган эътибор, берилаётган имкониятлардан унумли фойдаланиб, халқ ризолигига эришиш олдимидаги муҳим вазиладир.

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ — ҲАМИША КЕРАК

Таъбир жоиз бўлса, маҳаллани ўзига хос бир кичик мамлакат дейиш мумкин. Чунки унинг ўз ҳудуди, чегараси, аҳолиси ва ўзига яраша муаммолари бор. Тан олиб айтиш мумкинки, бундай муаммолар вилоятимиздаги фуқаролар йиғинларида мавжуд. Шу боис йилнинг дастлабки кунлариданоқ асосий эътиборни эҳтиёжманд

оилаларни қўллаб-қувватлашга, уларнинг иқтисодий аҳолини яхшилашга, одамларни иложи борича иш билан таъминлашга, хотин-қизларни касбга ўқитишга қаратди.

Ўтган етти ой давомида **15 171 нафар** ижтимоий ҳимояга муҳтож, ногиронлиги бор шахсларга ижтимоий-ҳуқуқий, психологик ёрдам кўрсатилди. Уларнинг **12 670 нафарига 9 173,4 млн.** сўмлик моддий ёрдам берилиб, **577 нафарига 10 386 млн.** сўмлик субсидиялар ажратилди. Энг муҳими, **2 минг 979 нафарининг** бандлиги таъминланди, **340 нафари** хусусий тадбиркорликка, **125 нафари** мономарказларда ўқитилди. Қолаверса, аҳоли ўртасида хунармандчилик, тадбиркорлик, айниқса, томорқа маданиятини тарғиб қилиш бўйича мунтазам ишлар олиб борилмоқда. **Натижада одамларнинг томорқага, ерга, меҳнатга муносабати тубдан ўзгаряпти.**

БАНДЛИК — МУАММОЛАР «КАЛИТИ»

Ўрганишлар давомида **726 та** маҳаллада хизмат кўрсатиш ва сервис билан боғлиқ эҳтиёж аниқланди. Шундан келиб чиқиб, лойиҳа ташаббускорлари танлаб олиниб, **1 август** ҳолатига **4 477 та** хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида тадбиркорлик субъектлари ташкил этилди.

Маҳаллаларда сартарошхона, савдо дўкони, ўқув марказлари, новвойхона, умумий овқатланиш шохобчалари, гўзаллик салони ишга тушиши натижасида **6 096 нафар** фуқаронинг бандлиги таъминланди. Шунингдек, **3 358 нафар** аҳоли янги ташкил этилган иш ўринларига жалб этилди. Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 2022 йил 7 июнь куни ўтказилган видеоселектор йиғилишида берилган топшириқлар ижроси доирасида маҳаллаларда **47 та** ҳаммом қуриш бўйича лойиҳалар тайёрланиб, **27 тасига** ер ажратилди, **18 таси** фойдаланишга топширилди. Яна **3 тасида** қурилиш ишлари кетмоқда.

НУРОНИЙЛАР ТАЖРИБАСИ — САБОҚ

Ечимини кутаётган масалалар маҳалладан ташқарига чиқмаслиги учун, аввало, ўша ҳудуд фаоллари етарлича малака ва ҳаётий тажрибага эга бўлиши шарт. Бунда, айниқса, тажрибали нуронийлар муҳим ўрин тутди. Шу маънода вилоятда истиқомат қилаётган **273 минг 563 нафар** кекса авлод вакиллари тажрибасидан самарали фойдаланяпмиз.

813 та маҳалладаги «Нуронийлар жамоатчиликлари», «Кексалар маслаҳати» гуруҳи ва «Бувижонлар мактаби» **558** маротаба маънавий-маърифий тадбирлар ўтказди. Натижада **2 540 та** оилавий ажралишнинг олди олинди. Ногиронлиги бор, ўзгалар парваршига муҳтож **84 нафар** ёлғиз

кексалар соғломлаштириш учун санаторийларга жойлаштирилиб, **131 млн. 800 минг сўм** маблағ сарфланди.

Қолаверса, ёшлар тарбиясида намуна кўрсатаётган, ибратли умрлари билан маҳаллаларимиз файзига файз қўшаётган **64 нафар** отахон ва онахон «Меҳнат фахрийси» кўкрак нишони билан тақдирланди. Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан **12 нафар** Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига **12 миллион сўм** моддий ёрдам кўрсатилди. «Бир нуроний ўн нафар ёшга масъул» лойиҳаси асосида **813 та** маҳаллада кўрик-танловлар ўтказилиб, **80 млн. 100 минг сўм**лик мукофотлар берилди.

БОШПАНАСИЗ ЙИҒИНЛАР МАСАЛАСИ НИМА БЎЛЯПТИ?

Маҳалла фуқаролар йиғинининг обрў-этибори ошириш, унинг функционал фаолияти янгилашмоқда. Демак, унинг биноси кўркем, замонавий ва ҳавас қиладиган даражада бўлиши лозим. Айни масала асло эътиборимиздан четда қолаётгани йўқ.

Жорий йилнинг шу даврига қадар **81 та** маҳалла мажмуаси қурилди, **4 та** маҳалла биноси таъмирланиб, **86 таси** жорий таъмирланди, **42 та** маҳалла биносида қурилиш ишлари давом этмоқда. Шу билан бирга, **137 та** маҳалла биносининг кадастр ҳужжатлари расмийлаштирилди. **21 та** маҳалланинг коммунал тўловлардан **48 млн. сўм** миқдоридаги қарздорлиги қўллаб берилиб, **364 тасига** компьютер

жамланмаси ва **275 тасига** мебель жиҳозлари етказилди, **579 таси** интернет тармоғига уланди. Қолаверса, маҳалла инфратузилмасини яхшилаш мақсадида **426 та** маҳаллада юриш ва югуриш йўлаклари, **81 тасида** велосипедда ҳаракатланиш йўлаклари, **133 тасида** мини футбол, **44 тасида** бадминтон, **45 тасида** стритбол майдонлари ташкил этилди.

МАҲАЛЛА ОБОД — ЮРТ ОБОД

Одамлар давлат ва ҳукуматдан рози бўлиб яшаши лозим. Бугун Ўзбекистонда ана шу мақсад оммавий широрага айланиб улгурди. Бунинг учун, даставвал, аҳолига муносиб турмуш шароитини яратиш зарур. Шу маънода вилоятдаги **30 та** маҳаллада «Обод маҳалла» ва «Обод қишлоқ» дастурлари амалга оширилмоқда. Бу дегани, шунча маҳаллада янги инфратузилма, янги шароит ва имкониятлар яратилаяпти.

Оммавий ташаббускорликдан ҳеч ким четда қолмаяпти. Ҳар ким қўлидан келганича, имкониятига қараб бу жараёнда иштирок этмоқда. Элимизнинг мамнун бўлганини айтмайсизми? Кимдир уйининг том қисми таъмирланганидан, кимдир девори янгиланганидан, кимдир чала ётган молхонаси ё товухонаси битказилганидан хурсанд. Шунингдек, қанчадан-қанча ички йўллар таъмирланди, чиқиндиҳоналар тартибга келтирилиб, ариқ ва зовурлар тозаланди. Ҳудудларнинг кўркемлашуви кўнгилларга ҳам масрурлик бағишламоқда.

Юқорида санаб ўтилган ва таҳлилга тортилган ишлар денгиздан томчи, холос. Каттагина вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига монелик қиладиган катта-кичик муаммолар йўқ эмас. Бошқармамиз томонидан маҳаллалардаги «бешлик» ва секторлар ҳамкорлигида тизимнинг паст-баланд жиҳатлари чуқур ўрганилиб, йил охиригача уларни адо этиш вазифалари режалаштирилмоқда. Асосийси, биз ҳаракатдамиз ва маҳаллани халққа янада яқин қилиш йўлида ҳамиша изланамиз.

Санжар ИСМАТОВ ёзиб олди.

РАИС ЁН ДАФТАРИГА!

ХУСУСИЙ МУЛҚ, БУ...

Хусусий мулк ҳуқуқи шахснинг мол-мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқидир.

Хусусий мулк бўлган мол-мулкнинг миқдори ва қиймати чекланмайди. У дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир. Давлат хусусий мулкнинг бут сақланишини таъминлаш ва унинг кўпайтирилиши учун барча зарур шароитларни яратди. Мулкдор ўзига қарашли мол-мулкка ўз хоҳишига кўра ҳамда ўз манфаатларини кўзлаб эгалик қилади,

ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади. Мулкдор ўз мол-мулкка нисбатан қонунга зид бўлмаган ҳар қандай ҳаракатларни бажаришга ҳақли. У ўз мол-мулкдан ҳўжалик фаолиятини амалга ошириш учун фойдаланиши, уни бошқа шахсларга эгалик қилиш ва (ёки) фойдаланиш учун текинга ёхуд ҳақ эвазига бериши мумкин.

ЖАРАЁН

Янгиланишлардан маҳаллалар четда қолаётгани йўқ



ФЕВРАЛЬ ОЙИДА «ТЎҚҚИЗБОЙ», МАРТ ОЙИДА «ШОДЛИК» ВА «САРОЙ», АПРЕЛЬ ОЙИДА «НАЙМАН» ВА МАЙ ОЙИДА «ШЕРҚЎРҒОН» ЙИГИНЛАРИНИНГ ЯНГИ БИНОСИ ҚУРИЛИБ ФОЙДАЛАНИШГА ТОПШИРИЛДИ.

Жорий йил тизимда янгиланишлар кўп бўлди. Аввало, вазирлик миқёсидаги ислохотларнинг ўзи диққатга сазовор. Бундан ташқари, май ойида ўтказилган сайловлар биз учун синов пайти, халқ баҳоси, деб ҳисоблайман. Мавзуга тўхталиб ўтмасам бўлмайди. Зеро, бу галги сайловлар ўзгача, уюшқоқлик билан ўтди. Сайлов якунларига кўра, туманимизда биринчи мартаба сайланганлар 29 нафар, қайта сайланганлар 9 нафарни ташкил этди. Раисларимизни, асосан, ёшлар ташкил қилмоқда. Уларнинг 34 нафари олий маълумотли. Улар орасида педагоглар, иқтисодчилар муҳандислар, агроному шифокорлар бор.

Жараёнлар тугаши билан барча раисларимиз учун ўқув семинарлари ташкил этилди. Унда раисларга соҳамиз билан боғлиқ қонунчилик, одамлар билан ишлаш, умуман, соҳанинг пасту баланди тўғрисида маълумотлар берилди.

ҚУЛАЙ ШАРОИТЛАР МЕҲНАТ САМАРАСИ ҚАФОЛАТИДИР

Кейинги йилларда маҳалла тизимининг моддий-техник базасини яхшилаш борасида амалга ошириладиган ишларнинг миқёси бутун республикамиз бўйича кенг. Замоनावий, барча шароитларга эга янгидан-янги маҳалла идоралари юртимизнинг барча ҳудудларида қад ростламоқда. Уларни зарур жиҳозлар, техникалар билан таъминлаш ишлари жадал давом этмоқда. Янгиланишлардан Жомбой туманидаги маҳаллалар четда қолаётгани йўқ. Ўтган бир неча йил ичида йиғинларимизнинг катта қисми янги биноларга

кўчиб ўтишди. Бунда тадбиркорлар имкониятидан кенг фойдаланиляпти.

Масалан, февраль ойида «Тўққизбой», март ойида «Шодлик» ва «Сарой», апрель ойида «Найман» ва май ойида «Шерқўрғон» йиғинларининг янги биноси қурилиб фойдаланишга топширилди. Янги раисларимиз барча қулайликларга эга кенг ва ёруғ биноларда фаолият олиб боришяпти.

Тан олиб айтиш керакки, юқорида саналган маҳаллаларнинг аввалги идоралари анча тушкун аҳволда эди. Кўпи «авария» ҳолатида, баъзи йиғинларимизда бинонинг ўзи бўлмаган. Ҳолат иш самарадорлигига салбий таъсир қилиб келгани рост. Захлаган, қишда совуқ, ёзда чидаб бўлмас даражада иссиқ, тор хоналарда ишлаш, фуқароларни қабул қилиш ёқимли эмаслиги турган гап. Шукрки, кейинги пайтлардаги ислохотлар мазкур муаммоларга ечим бўлмоқда. Ҳозирги кунда «Олмасор»

маҳалласи биноси қурилиш ишлари якунига етказилмоқда, «Ширинкент» йиғини биноси капитал таъмирланяпти. «Қудуқли» ва «Кўнғирот» маҳаллаларининг янги биносини қуриш ишлари бошланган. Тез орада қурулиш якунланади.

«Катта қишлоқ», «Сарқипчоқ», «Хитойпоён» йиғинлари биносини янгидан қуриш ва таъмирлаш ишларини олиб бориш мақсадида «Openbudget» порталига маблағ ютиб олиш учун жойлаштирилди ва овоз йиғиш жараёнлари бошланган. Ўйламанки, қиш совуқлари бошлангунча улар ҳам янги биноларга кўчиб ўтишади.

МУАММОЛАР ЙЎҚ ЭМАС...

Маҳаллаларни моддий-техник базасини мустаҳкамлашда айрим камчиликлар мавжуд. Жумладан, айрим маҳаллаларда мебель жиҳозлари, баъзиларида компьютер, принтер жиҳозлари етишмайди, аксарият йиғинлар биносиди иситиш тизими йўқлиги туфайли қиш кунлари барча ходимлар битта хонага кириб олиш ҳолатлари юзага келмоқда.

Шу билан бирга, аҳоли орасида маҳалла билан боғлиқ вазифаларни чалқаштириш ҳолатлари ҳамон давом

этаётгани бор гап. Масалан, Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 21 октябрдаги қарорига асосан, болалар нафақаси «Ягона ижтимоий химоя реестри» орқали Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси орқали тайинланаётган бўлса-да, ҳалигача одамларнинг фикрида бу каби қарорлар маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари ёки маҳалладаги бошқа мутасадди ходимлар томонидан чиқарилаётгандек туюлмоқда. Натижада хафагарчиликлар, кўнгилсизликлар учраб турибди. Раислар тушунтиришини қабул қилмайдиган қайсар фуқароларимиз йўқ эмас. Ўйлашимча, мавзу оммавий ахборот воситалари орқали кенг жамоатчиликка яна бир бор тушунтириб ўтилиши лозим.

Бундан ташқари, айрим маҳаллаларда масъулларнинг ўз вазифасига совуққонлик билан қараш ҳолатлари кам бўлса-да бор. Ҳоким ёрдамчилари, ёшлар етакчилари ва хотин-қизлар фаоллари кунлар давомида бирор марта маҳаллага келмайди. Бўлаётган ишлар, ислохотлардан хабарсиз. Аксар ҳолларда ўз ишлари билан банд бўлишади. Ўйлашимча, бу каби ҳолатларни бартараф қилиш учун ҳар бир ходим бўйича маҳалла раисидан «табел» олиш тартибини жорий қилмоқ керак.

Шунда раиснинг юқоридаги масъуллар устидан назорат тизими, таъсир кучи вужудга келган бўларди.

«ЯШИЛ МАКОН» — ҲАЁТ-МАМОТ МАСАЛАСИ

«Яшил макон» лойиҳаси доирасида туманда кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Миллионлаб туп мевали ва манзарали дарахтлар хиёбонлар, бўш ерлар, аҳоли томорқалари, қишлар ёқасига яхши ният билан экилган. Шукрки, уларнинг аксари амал олиб, ўрнашиб кетди. Бир неча йилдан сўнг Жомбой ям-яшил туманлардан бирига айланиши шубҳасиз. Аммо бошланган ишларни ярмида ташлаб қўйиб бўлмайди. Зеро, «Яшил макон» лойиҳаси — ҳаёт-мамонт масаласидир.

Шу боис ҳар бир маҳаллага жамоатчилик асосида Бандликка кўмаклашиш маркази томонидан 2 нафардан ходим ажратишни тақлиф қилган бўлардим. Уларни маҳалла боғбонлари, деб атасак тўғри бўлади. Шунда дастурга масъул шахслар аниқ бўлиб, жавобгарлик ҳисси уйғониши, масала юзасидан ишларимиз янада юришиб кетиши аниқ.

Умиджон МАМАТОВ,
Жомбой тумани Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи.

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

НУКУСЛИК ЁШЛАРГА ЁРДАМ ПУЛИ БЕРИЛДИ



Нукус шаҳридаги Қорақалпоғистон санъат саройида маҳаллалардаги ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлашга муҳтож бўлган, «Ёшлар дафтари»га киритилган 1 минг 584 нафар ёшга бир марталик ёрдам пули топширилди.

Қайд этиш керак, Нукус шаҳар ёшларининг ижтимоий-иқтисодий муаммолари, тақлиф ва истакларини ўрганиш, уларни ҳал этиш мақсадида Давлат хавфсизлик хизмати ҳамда Ёшлар ишлари агентлигининг масъул ходимларидан иборат Ишчи гуруҳи 4 та секторга бириктирилган. Улар ёшлар етакчилари билан биргаликда 64 та маҳаллада уйма-уй хатлов ишларини амалга ошириб, 14-30 ёшдаги 74 минг 683 нафар ёшнинг балансини тўлиқ шакллантирди. Ёшлар баланси асосида аниқланган ҳар ўн бешинчи ишсиз ва ижтимоий химояга

муҳтож бўлган 4 минг 820 нафар фуқаро 19 та кўмак тури бўйича, шундан 1 минг 584 нафар ижтимоий химояга муҳтож ёшга бир марталик ёрдам пули ажратиш йўналиши бўйича «Ёшлар дафтари» электрон платформасига киритилди. Куни кеча ўтказилган тадбирда «Ёшлар дафтари»га киритилган Нукус шаҳар ёшлари учун 1 миллиард 900 миллион 800 минг сўмлик ваучер топширилди. Шу ернинг ўзида Халқ банкининг Қорақалпоғистон Республикаси филиали ходимлари томонидан ёшларга бир марталик моддий ёрдам пуллари нақд пул кўринишида берилди.

ТАНЛОВ

Кексалар ўғити, панду насихати — ҳақиқатнинг ифодасидир

ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТГАН КЕКСАЛАР УЗОҚ ЙИЛЛАР ДАВОМИДА ЖАМИЯТ ВА ДАВЛАТ ИШИДА НАМУНАЛИ МЕХНАТ ФАОЛИЯТИНИ ОЛИБ БОРГАН. УЛАР ОРАСИДА КИМДИР ПЕДАГОГ, РАХБАР, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА ТИББИЁТ СОҲАЛАРИДА ИШЛАБ, ХАЛҚҚА НАФИ ТЕККАН.

Ҳаммамизга таниш бир мақол бор: «Қари билгани пари билмас» дейдилар. Кексаларнинг дуолари кетмас давлат аслида. Нуронийларда болалик қалби, ҳаёт тажрибаси, энг асосийси, яхшиликка борар йўлнинг аниқ харитаси бор. Шу боис илк мартаба ўтказилаётган «Бир нуроний ўн ёшга масъул» кўрик-танлови икки авлод ўртасидаги маънавий кўприк, чин маънода, ибрат мактаби бўлмоқда, дейишга асослимиз.

Маълумки, давлатимиз раҳбарининг 2022 йил 15 мартдаги «Нуронийларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг турмуш даражасини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, «Бир нуроний ўн ёшга масъул» тамойили жорий этилди. Шу асосда маҳаллаларда ҳаётининг ва катта амалий тажрибага эга бўлган обрў-этиборли нуронийлар ва зиёлилар ишсиз, тарбияси оғир ва муаммоли ёшларга бириктирилиб, уларнинг жамият учун фойдали инсонлар бўлиб етишишига қўмаклашилмоқда. Бунинг натижасида ёшларга оид мавжуд муаммолар бевосита маҳалланинг ўзида бар-тараф этиляпти.

Бундай ташаббускор кекса авлод вакиллари рағбатлантириш мақсадида Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги томонидан «Бир нуроний ўн ёшга масъул» кўрик-танлови ўтказилмоқда. Жорий йилнинг июль ойида ушбу танловнинг туман ва шаҳар босқичлари кўтаринки ва байрамона руҳда ташкил этилди. Ҳозирда вилоят босқичлари давом этмоқда.

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ.

Вилоят маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бошқармасининг маълум қилишича, ҳудудда юқоридаги тамойил асосида 1 738 нафар фаол нуронийга иш билан банд бўлмаган, моддий, маънавий қўмакка муҳтож 15 922 нафар муаммоли йигит-қиз бириктирилди. Нуронийлар саъй-ҳаракати, қўмаги билан бугунга қадар 9 234 нафар ёш «муаммоли

ёшлар» ҳисобидан чиқарилди.

Танловнинг вилоят босқичида фахрийлар уч шарт асосида беллашди. Якуний натижаларга кўра, вилоят босқичининг мутлақ ғолиби сифатида нурободлик **Солижон Худоёров** танловнинг Республика босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди. Иккинчи ўринни **Нарпай тумани вакили Бозор Ҳасанов** банд этган бўлса, учинчи ўрин **Самарқанд тумани иштирокчиси Ҳосият Бобмуродова**га насиб этди.

— Танловда турли талаблар бўйича баҳслашдик, — дейди **Солижон Худоёров**. — Тўғриси, ёшлар учун шу турдаги танловлар, кўриқлар қўллаб ташкил этилади. Аммо ёши улуғ инсонлар учун амалга оширган ишларини кўрсатиш, ўзаро фикр ва тажриба алмашиш учун минбар кам бўлган. Шу туфайли мазкур танлов менда катта таассурот қолдирди. Бу ерга шогирдларим билан бирга келганмиз. Зеро, кексаларнинг ютуғи улар ўстираётган авлод камолотида акс этади.

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ.

Қарши шаҳридаги «Нуронийлар» масканида танловнинг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Унда ҳудудлардан саралаб олинган 16 нафар нуроний отахон ва онахон учта — «Таништирув», «Ёшлар — бизнинг келажагимиз» ҳамда «Нуронийлар беллашуви» шартлари асосида ўзаро беллашдилар.

Танлов якунларига кўра, биринчи ўринни **Қарши шаҳридаги Алишер Навоий номли маҳалла вакили Содиқ Исломов**, иккинчи ўринни **Шаҳрисабз тумани-**



даги «Мираки» маҳалласидан **Зулфия Аллаева** ҳамда учинчи ўринни **Касби туманидаги «Хўжаки» йиғинидан Шавкат Турсунов** эгаллади.

Ғолибларга диплом ва пул мукофотлари топширилди. Жумладан:

1-ўрин учун — I-даражали диплом ва 3 млн. 600 минг сўм;
2-ўрин учун — II-даражали диплом ва 2 млн. 400 минг сўм;
3-ўрин учун — III-даражали диплом ва 2 млн. 100 минг сўм пул мукофотлари берилди.

— Маҳалламиздаги ўзимга бириктирилган ёшларнинг бир нечасига давлатдан кам фойдали кредит олиб, иссиқхона қуриши, паррандачиликни ривожлантириши, озиқ-овқат дўкони, новвойхона очиб, даромад қилиб, рўзғорига барака киритишига қўмаклашдик, — дейди **танлов ғолиби Содиқ Исломов**. — Меҳнатимизни қадрлаб, шундай танлов ташкил этилганидан хурсанд бўлдик. Бугун бу ерда нафақат нуронийлар билан ўзаро баҳслашдик, балки фикр алмашдик, тажрибаларимиз билан бўлишдик. Энди Республика босқичида вилоятимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишга ҳаракат қиламан.

НАВОИЙ ВИЛОЯТИ.

Навоий шаҳридаги маънавият ва маърифат марказида танловнинг вилоят босқичи кўтаринки кайфиятда ўтказилди. Унда ўн бир нафар иштирокчи ўз тажрибалари билан ўртоқлашди.

— Касбим ўқитувчи, маҳалламиздаги ёшларнинг ўн нафари менга бириктириб берилган, — дейди **Конимех тумани вакили Адбуалим Тоиров**. — Биринчи кунданок маҳалла фаоллари билан уларнинг оиласига бориб, шароитлари билан танишдик. Ҳоким ёрдамчиси орқали ёшларга моддий ёрдам кўрсатдик. Мисол учун, отасидан эрта айрилган, онаси «Темир дафтар»да турувчи **Нурбек Турсунбоевга** олти бош эчки ва тўрт бош қўй олиб беришга эришдик. Фаолиятимизда бундай мисоллар талайгина. Бугун ана шундай



тажрибаларимиз билан ўзаро ўртоқлашдик.

Танловнинг учта шarti доирасида маҳалла фаоли ва кўнгилли сифатида нуронийларнинг қилган хайрли ишлари таҳлил қилинди. Масалан «Таништирув» шartiда иштирокчилар ўз маҳалласида ёшлар билан олиб борган ишлари натижаси ҳақида маълумот берди. Бу шартда тарбиявий аҳамиятга эга сахна кўринишлари намойиш этилди.

Танловда иштирок этган кексалар узоқ йиллар давомида жамият ва давлат ишида намунали меҳнат фаолиятини олиб борган. Улар орасида кимдир педагог, раҳбар, қишлоқ хўжалиги ва тиббиёт соҳаларида ишлаб, халққа нафи теккан. Шу боис уларнинг ўғити, панду насихати ҳақиқатнинг ифодасидир. Нуронийларга бириктирилган ёшлар билан ишлашда уларнинг ўзига хос услублари, ҳоким ёрдамчиси ва ёшлар етакчисининг қўмаги, буларнинг ҳамма-ҳаммаси иккин-

чи шартда ҳакамлар ҳайъатига тақдим этилган махсус альбом ва ҳужжатларда акс этди.

Учинчи — савол-жавоб шartiда нуронийларнинг 70-80 ёш оstonасида ўқиш, ўрганишга бўлган интилиши, маҳалла тизимида кексалар фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги ҳуқуқий ҳужжатлар билан тўлиқ таниш эканига гувоҳ бўлдик.

Танлов якунида барча иштирокчилар турли номинациялар бўйича тақдирланди. 1-, 2-, 3-ўрин соҳибларига китоблар жамланмаси, диплом ва пул мукофотлари топширилди. Танловда мутлақ ғолиб бўлган **Зарафшон шаҳри вакиласи Мастура Ўринбоева** энди Республика босқичида Навоий вилояти номидан иштирок этади.

Танловнинг ҳудудий босқичлари давом этмоқда.

Содиқ АБДУРАСУЛОВ,
Ситора ЮСУФБОВА,
Шоҳиста БОЗОРОВА.

РАИС ЁН ДАФТАРИГА!

ҚАЧОН СУДЛАНГАНЛИК ҲОЛАТИ ТУГАЛЛАНАДИ?

Шахснинг судланганлик ҳолати қуйидаги пайтларда тугалланади:

- ♦ шартли ҳукм қилинганларга нисбатан — **синов муддати тугаган кундан бошлаб**;
- ♦ мажбурий жамоат ишлари, хизмат бўйича чеклаш ёки интизомий қисмга жўнатиш тарзидаги жазоларини ўтаб чиққач;
- ♦ жарима жазоси ижро этилган кундан кейин, шунингдек муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёки ахлоқ тузатиш ишлари жазолари ўталганидан кейин — **1 йил ўтгач**;
- ♦ озодликни чеклаш жазоси ўталганидан кейин — **2 йил ўтгач**;
- ♦ 5 йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси ўталганидан кейин — **4 йил ўтгач**;
- ♦ 5 йилдан ортиқ, лекин 10 йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси ўталганидан кейин — **7 йил ўтгач**;
- ♦ 10 йилдан ортиқ, лекин 15 йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси ўталганидан кейин — **10 йил ўтгач**.

Меҳнат кодексига кўра, муқаддам судланган шахсларни ишга қабул қилмаслик (бундан қонунчиликда назарда тутилган ҳоллар мустасно), ёхуд шахсларни уларнинг яқин қариндошлари судланганлиги муносабати билан ишга қабул қилмаслик мумкин эмас.

ТАШАББУС

Олис ҳудуддаги 1 002 та маҳаллада тиббий пункт қурилади

МАҲАЛЛА ТИББИЁТ ПУКТЛАРИДА ҚОН БОСИМИ ҲАМДА ТАНА ҲАРОРАТИНИ ЎЛЧАШ, ЗАРУР ҲОЛЛАРДА ШОШИЛИНЧ ТИББИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ, КЎРСАТМАГА МУВОФИҚ, ВЕНА ВА МУШАК ОРАСИГА ИНЪЕКЦИЯЛАР ЮБОРИШ КАБИ БИРЛАМЧИ ТИББИЙ ХИЗМАТ АМАЛГА ОШИРИЛАДИ

Бугун давлат раҳбари соғлиқни сақлаш тизими мутасаддилари олдида қўйган энг устувор вазифа — тиббиётни халққа янада яқинлаштиришдан иборат. Бунга, аввало, бирламчи тиббиёт тизимини такомиллаштириш орқали эришилади.

Аммо маҳаллалар кесимида оилавий шифокор пункти жойлашган масофани инобатга олсак, айрим ҳудудлар аҳолиси бу бугун хизматидан фойдаланишда қийинчиликларга дуч келмоқда. Масалан, Деҳқонобод туманининг «Оқиртма» маҳалласида 3,5 минг нафар аҳоли яшайди. Бироқ бу манзилдан ҳудуд поликлиникасигача бўлган масофа 46 км.га тенг. Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Айни жиҳатларга Президент Шавкат Мирзиёевнинг шу йил 18 март куни тиббиёт соҳаси вакиллари билан ўтказган очиқ мулоқотида алоҳида эътибор қаратилиб, муҳим вазифалар белгилаб берилди. Қолаверса, айни йўналишда давлат раҳбарининг тегишли фармон ва қарорлари қабул қилинди. Унга кўра, 2022 йилда 105 та оилавий шифокор пункти ва 31 та оилавий поликлиника, шунингдек, 1 002 та маҳалла тиббиёт пункти ташкил этилиши белгиланди. Ҳўш, ушбу вазифалар ижроси доирасида Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан қандай ишлар амалга оширилмоқда?

— Президент топшириғи ва қабул қилинган ҳужжатлар ижроси асосида ҳозиргача 76 та оилавий шифокор пункти ва 20 та оилавий поликлиника фаолияти йўлга қўйилди, — дейди Соғлиқни сақлаш вазирлиги матбуот хизмати раҳбари Фурқат Саноев. — Лекин бу мавжуд эҳтиёжни тўлиқ қоплай олмайди. Шундан келиб чиқиб, йил якунига қадар 1 002 та маҳалла тиббиёт пунктини ишга тушириш кўзда тутилган. Айни пайтда жойларда 505 та шундай муассаса аҳолига тиббий хизмат кўрсатмоқда.

Маҳалла тиббиёт пунктларида оилавий шифокор ва патро-

наж ҳамшираси томонидан қон босими ҳамда тана ҳароратини ўлчаш, зарур ҳолларда шошилиш тиббий хизмат кўрсатиш, кўрсатмага мувофиқ, вена ва мушак орасига инъекциялар юбориш каби бирламчи тиббий хизмат амалга оширилади.

Қолаверса, бу ерда режага мувофиқ, болаларда эмлаш ишлари, аҳоли орасида кенг тарқалган эндокрин касалликларининг дастлабки скрининг тадбирлари амалга оширилади. Ҳомиладор аёллар, янги туғилган чақалоқлар ва тушакка миҳланиб қолган беморлар патронажи, шунингдек, соғлом турмуш тарғиботи ушбу муассасалар томонидан олиб борилади.

МАҲАЛЛАЛАР АҲЛИ ТИББИЙ ХИЗМАТДАН МАМНУН

Аниқ мисолларга тўхталсак, Сирдарё вилоятида чекка, олис ва чегара ҳудудларда жойлашган 35 та маҳаллага 15 дона 6 метрли, 20 дона 12 метрли кўчма, контейнерли маҳалла тиббиёт пункти жойлаштирилди.

— Боёвутнинг «Муқимий», «Бобюрт», «Дўстлик», «Навбахор», «Ўзбекистон», «Янгибўстон» ва «Янгиобод» маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудидаги аҳоли анча йилдан буён тиббий хизматдан қийналиб келарди, — дейди Боёвут тумани тиббиёт бирлашмаси бош шифокори Ақромжон Азизқулов. — Улар бориши керак бўлган бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаси орасидаги масофа анча узоқ бўлгани боис ёзнинг чилласи, қишнинг қорли ва совуқ кунларида етиб боришда муаммолар кузатилади. Ушбу ҳудудларга ўрнатилган энгил конструкцияли маҳалла тиббиёт пункти уларни кўпдан буён қий-



наб келаётган муаммога оқилона ечим бўлди.

Нуробод туманида шу кунгача энгил конструкциядан ясалган 25 та маҳалла тиббиёт пункти ташкил қилиниб, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш йўлга қўйилди. Жумладан, «Омандара» маҳалласида 131 миллион сўм бюджет маблағи ҳисобидан бунёд этилган тиббиёт пунктида аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш учун барча шароит яратилган. Энг муҳими, ушбу тиббиёт муассасаларга олий ўқув юртарини битириб келган ёш мутахассислар жалб этилмоқда.

— Маҳалламиз туман марказидан олисда жойлашгани боис шу пайтгача аҳолининг талабига мос тиббиёт хизмат кўрсатиш имконияти чекланган эди,

— дейди «Омандара» маҳалласи раиси Ҳислат Жабборов. — Эндиликда маҳалла тиббиёт пунктида беморларга хизмат кўрсатиш имконияти яратилди. Узимизда малакали тиббиёт ходимлари етишмагани боис шифокорлар бошқа ҳудудлардан келиб ишлашяпти. Мисол учун,

умумий амалиёт шифокори Руслан Қувондиқов Пастдарғом туманидан. У ва турмуш ўртоғи аҳолига беминнат тиббий хизмат кўрсатмоқда. Оилага қонунчиликда белгилангани каби яшаш ва меҳнат шароитлари етарли даражада таъминлаб берилди.

Тан олиш керак, йиллар давомида чекка ҳудудларда тиббий хизматга етарли даражада эътибор қаратилмагани туфайли соҳада ечимини кутаётган масалалар кўп эди. Олис қишлоқ одамлари шаҳардагидек шароитда бўлмаса-да, оддий эмлаш учун туман марказига боришга мажбур бўлди. Бирламчи тиббий хизматни ривожлантириш борасида олиб борилаётган ислохотлар натижасида бугун чекка ҳудудларда замон талабларига мос тиббий муассасалар барпо этилмоқда. Ўйлаймики, тез орада юртимизнинг барча олис қишлоқларида маҳалла тиббиёт пунктлари иш бошлайди ва аҳолига беминнат хизмат кўрсатади.

Иброҳим ПУЛАТОВ.

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

МУРОДЖОН АЗИМОВ «ҲИСОРАК»КА НЕГА БОРДИ?



Қашқадарё вилояти ҳокими Муроджон Азимов Шаҳрисабз туманининг олис тоғли ҳудуди «Ҳисорак» маҳалласи биносида бўлиб, йиғини раиси, ҳоким ёрдамчиси, хотин-қизлар фаоли, ёшлар етакчиси, профилактика инспекторига яратилган қулайликлар, шунингдек, тез ёрдам пункти имкониятларини ўрганди.

Шу ернинг ўзида М.Азимов маҳалла фаоллари билан мулоқот қилиб, уларнинг муаммолари билан қизикди. Мулоқотлар асосида ҳудудда тез тиббий ёрдам сифатини яхшилаш мақсадида «Нива» русумли автомобиль, Чунгурак қишлоғига тиббиёт пункти қуриш, йўлларни текислаш учун зарурий микдорда ёқилғи ажратиш, электр тизимини яхшилаш мақсадида 50 та бетон устунлар ажратиш юзасидан мутасаддиларга кўрсатма берди.

Қолаверса, вилоят ҳокими тоғ ён-бағирларидаги йирик картошқачилик лойиҳасини бориб кўрди. Мазкур лойиҳа доирасида 60 миллиард сўм маблағ йўналтирилиб қир-адирларга сув чиқарилди, биринчи босқичда 1000 гектар ер ўзлаштирилди ҳамда картошқа ва бошқа экинлар экилди.

Муроджон Азимов картошқа экилган майдонларни кўздан кечирди. Режага кўра, бу йил ушбу майдонлардан гектарига ўртача 30 тонна картошқа олиш режалаштирилган.

РАКУРС

Нега Ўзбекистонда ихтирочилар кам?



ИХТИРОЧИ ДЕГАНДА, ФАҚАТ ПРОФЕССОРЛАРНИ ТУШУНАМИЗ, ЛЕКИН ИХТИРОЧИ ОДДИЙ ОДАМ, ЎҚИТУВЧИ ЁКИ БОШҚА КАСБ ЭГАСИ БЎЛИШИ МУМКИН. ҲАТТО БОЛАЛАР ИХТИРО ЯРАТАДИ...

2022 йил 10 августда қабул қилинган «Ихтирочилик ва рационализаторлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш чоратadbirlари тўғрисида»ги Ҳукумат қарори билан Ўзбекистон Ихтирочилар ва рационализаторлар жамияти нодавлат нотижорат ташкилоти ташкил қилинди. Қарорга мувофиқ, 2022 йилдан ҳар йили ҳудудлар, тармоқлар ва соҳалар кесимида ихтирочилик ва рационализаторлик бўйича кўрик-танлов ўтказилади. Ҳолибларга 60 миллион сўмдан 90 миллион сўмгача мукофот пуллари берилиб, улар магистратура мутахассислигига имтиҳонсиз қабул қилинади.

Юқоридаги Ҳукумат қарорини бежиз эсламадик. Кўришиб турибдики, айни соҳа узоқ кутилган ўзгаришлар остонасида. Зеро, ҳар куни хорижлик олим ва мутахассисларнинг қандайдир ноёб кашфиётлари ёки фанда эришган ютуқлари ҳақида ўқиб бораётган бир пайтда негадир ўзимизнинг олимлару фан докторларининг кашфиётларини билмаймиз. Уларнинг номларини хориж ОАВлари у ёқда турсин, ҳатто маҳаллий нашрларда деярли учратмаймиз. Хўш, нега?

РАҒБАТ ЕТАРЛИ ЭМАС...

Маълумотларга кўра, жаҳонда ҳар йили 600-700 минг патент рўйхатга олинади. Бироқ, афсуски, Ўзбекистоннинг бу соҳадаги ҳиссаси ҳозирча мақтангулик эмас. Агар ўтган асрнинг 80-йилларида ихтироларга йилига ўртача 2,1 мингта талабнома топширилган бўлса, сўнгги йилларда бу кўрсаткич 400 тага тушиди,

яъни ихтирочилик фаолияти суръати 5,5 мартагача қисқариб кетди.

Бунинг энг асосий сабабларидан бири — рағбатнинг етарли эмаслиги билан боғлиқ. Масалан, «Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида»ги қонунда муаллифлар, саноат мулкидан фойдаланувчиларга солиқ ва кредит имтиёзлари берилиши лозимлиги қайд этилган. Бироқ бу норма амалиётда умуман ишламаган. Иккинчи масала, интеллектуал мулк ҳуқуқини ҳимоя қила олишга муаллифларда ишонч қолмаган эди.

Қолаверса, қонунчилигимиз бўйича муаллиф икки йилга етмасдан барча расмийликларни қилиб, патент олиши мумкин. Бироқ ҳужжатбозлик ишлари туфайли бу муддат узайиб кетади. Кўпинча талабнома топшириш учун рус тилидан фойдаланилиши патентга даъвогарлар учун

мураккаблик туғдирмоқда. Шу боис ўзбек тилида иш юритишни тўлиқ ташкил қилиш лозим.

ИХТИРОГА ЭЪТИБОР БЎЛМАСА...

Бундан бир ярим йил муқаддам Ўзбекистонда коронавирусни йўқотишга қодир технология яратилгани ҳақида хабар берилганди. Ўйлагандикки, айни вақтида майдонга олиб чиқилган бу технология ҳаммининг диққат-эътиборига тушиб, раҳбарлар томонидан қўллаб-қувватланади ва жуда тез оммалашади. Бироқ орадан бир йил ўтса-да, илмий ходим ҳамон эшикма-эшик сарсон... Агар ушбу ихтиро вақтида қўллаб-қувватланганида, эҳтимол, вазият бошқачароқ бўлармиди?!

Афсуски, бу каби ҳолатлар жуда кўп. Яратилаётган ихтиролар айрим ҳолларда уларга эътиборнинг йўқлиги сабаб чет элга чиқиб кетмоқда. Харидорлар кам эмас. Ахир ким тарихда қолишни истамайди, дейсиз. Борлари ҳам ҳаминқадар. Бу ўринда Фанлар академиясидаги институтлар, турли инновацион марказлар, хорижий университетларнинг мамлакатимиздаги филиаллари томонидан яратилган ихтиро ва кашфиётлар, ишланмалар

ва илмий ечимлар бир-бирини такрорлашдан нари ўтмаётганини қандай изоҳлаш мумкин?

Энди олимларимиз «ухлаш вақти» ўтганини англаши керак. Зеро, Президент томонидан ишлаб чиқариш ва фан уйғунлигини таъминлаш зарурлиги кун тартибига қўйилганига бир неча йил бўлди. Ушбу вазифанинг натижаларини кўриш вақти аллақачон келган.

Яна бир гап: бизда ихтирочи деганда, албатта, Фанлар Академиясида ишлайдиган олим, профессорлар тушунилади, лекин ривожланган давлатларда ихтирочилар аҳолининг бир тоифаси билан чегараланмайди. Ихтирочи оддий одам, ўқитувчи ёки бошқа касб эгаси бўлиши мумкин. Ҳатто болалар ихтиро яратиши мумкин. Мисол учун, уч ёшида жароҳат сабаб кўз нуруни йўқотган Луи Брайл 15 ёшида кўзи ожизларга ёзиш ва ўқиш имконини берувчи нуктали алифбони яратди. Ёки бўлмаса, АҚШ президенти Бенжамин Франклин 15 ёшида ўриндиқнинг оёқларига ёғочнинг қайрилма шаклдаги бўлагини тиркаш орқали оромкурси яратган.

ДЕМАК...

Биринчи навбатда, ихтирочилар учун

рағбатлантириш ишларини тартибга солиш лозим. Юқоридаги Ҳукумат қарори шу йўлдаги муҳим ҳужжат бўлди. Қолаверса, интеллектуал мулк ҳуқуқи кафолатларини янада кучайтириш зарур. Бунда муаллифлик ҳуқуқини бузганлик учун жавобгарликни аниқ белгилаш даркор. Бугунги санкцияларнинг миқдорлари етарли эмас. Шу боис Жиноят кодексидаги санкцияларни кучайтириш вақти келди.

Бундан ташқари, истиқболли ихтирони жорий этишга олимларнинг саъй-ҳаракати ҳам, маблағи ҳам етишмайди ва уни давлат тўлиқ зиммасига олиши керак. Бунда турли субсидиялар беришни ўйлаб кўрса бўлади. Шунингдек, интеллектуал мулкка нисбатан қиймат сифатида қарашни шакллантириш зарур. Масалан, ҳозир интеллектуал мулк Ўзбекистон иқтисодиётида қанча фоизни ташкил этиши, муаллифлар қанча даромад олаётгани ҳақида статистикалар юритилмайди. Бундай статистикалар керак. Муаллиф ўзи яратган интеллектуал мулкдан фойда олишини, даромад қила олишини билса, унда рағбат пайдо бўлади ва бу соҳа ривожланади.

Содиқ АБДУРАСУЛОВ.

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

ҲОКИМ ЁШЛАР БИЛАН УЧРАШДИ

Мирзачўл туманидаги «Ипак йўли» маҳалласи ҳудудидаги 4-мактабда «Ҳоким ва ёшлар» учрашуви бўлиб ўтди.



Учрашувда туман ҳокими маҳалла ёшларини қийнаб келаётган муаммолар ҳамда таклифларни тинглади. Унда «Ипак йўли» маҳалласининг 60 нафарга яқин аҳолиси ва ёшлари иштирок этди. Эътиборлиси, 11 нафар ёшнинг бандликка, кредит олиш, доимий рўйхатдан ўтиш, контракт тўловларига ёрдам кўрсатиш борасидаги саволлари, таклиф ва истаклари тингланб, уларни барчасини амалга ошириш, ижобий ҳал этиш бўйича мутасаддиларга топшириқлар берилди.

Мақсадбек ФАЙЗ.

БИЛАСИЗМИ?

БОЛАЛАРНИ ОИЛАЛАРГА ТАРБИЯГА ОЛИШ ТАРТИБИ БЕЛГИЛАНДИ

Ҳукумат қарори (451-сон, 16.08.2022 й.) билан Оилавий болалар уйлари тўғрисидаги низом тасдиқланди.



Низомга мувофиқ, оилавий болалар уйи туман (шаҳар) ҳокими қарори билан ташкил этилади. Болаларни оилавий тарбияга олиш истагида бўлганлар ҳокимликка ариза беради. Бунда никоҳдан ўтган, 35 ёшдан 60 ёшгача фуқаролар тутинган ота-она бўлиши мумкин. Оилавий тарбиялаш учун туғилганидан бошлаб 18 ёшгача бўлган болалар берилади. 10 ёшга тўлган ва ундан юқори ёшдаги болаларни оилавий болалар уйига фақат уларнинг розилиги билан бериш мумкин. Оилавий болалар уйига тарбиялаш учун 3 ёшдан камида 3 нафар, лекин кўпи билан 5 нафар бола берилади. Оилавий болалар уйидаги тарбияланувчиларнинг яшаш харажатлари Давлат бюджетидан қопланади. Тутинган ота-оналарга ҳар бир тарбияланувчи боланинг яшаш харажатлари учун ҳар ойда 7 ёшгача болаларга БҲМнинг 5 баравари (1,5 млн. сўм), 8-18 ёшдагилар учун БҲМнинг 7 баравари (2,1 млн. сўм) миқдорда пул ажратилади.

ХУҚУҚ

Дам олиш ҳуқуқи барчага тааллуқли



АМАЛДАГИ КОНСТИТУЦИЯДА ДАМ ОЛИШ ҲУҚУҚИ ФАҚАТ ЁЛЛАНМА ИШЛОВЧИЛАР УЧУН БЕРИЛГАНИГА ГУВОҲ БЎЛАМИЗ. ЭНДИЛИКДА БОШ ҚОМУСИМИЗГА БУ ҲУҚУҚ ҲАР БИР ИНСОНГА ТААЛЛУҚЛИ ЭКАНИНИ ИФОДАЛОВЧИ ЯНГИ НОРМА КИРИТИЛМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритишга доир энг кўп тушган таклифлардан бири — ижтимоий-иқтисодий соҳага оид бўлган дам олиш ҳуқуқи билан боғлиқ. «Meningkonstitutsiyam.uz» электрон платформаси орқали Конституцион комиссияга юборилган ушбу таклиф 1,5 мингдан ортиқ овоз тўплади.

Амалдаги Конституцияда дам олиш вақтига бағишланган 38-моддани таҳлил қиладиган бўлсак, дам олиш ҳуқуқи фақат ёлланма ишловчилар учун берилганига гувоҳ бўламиз. 30 йил аввал бу қоида тўғри ҳисоблангандир, чунки ёлланма меҳнат шартномаси асосида ишловчилар мамлакатимиз меҳнатқашларининг асосий қисмини ташкил этган. Лекин бугунги кунда, меҳнат фаолияти соҳаларининг хилма-хиллигини эътиборга олган ҳолда, дам олиш ҳуқуқи инсоннинг ажралмас асосий ҳуқуқлари сифатида эътироф этилган. Шу боис Конституцияга дам олиш ҳуқуқи фақат ёлланма меҳнатқашлар учун эмас, балки ҳар бир инсонга тааллуқли эканини ифодаловчи янги норма киритилмоқда. Шунингдек, дам олиш вақти

турлари давлат томонидан кафолатланиши 38-модданинг иккинчи қисмида алоҳида мустаҳкамланган.

Дам олиш вақти ҳуқуқий норма сифатида кўплаб халқаро ҳужжатларда мустаҳкамланган. Ўзбекистонда фуқароларнинг бу ҳуқуқи бевосита меҳнат соҳаси билан боғлиқ бўлиб, миллий меҳнат қончилигида батафсил тартибга солинган. Амалдаги Меҳнат кодексига ходимларнинг дам олиш ҳуқуқининг асосий мазмунини ташкил этувчи «дам олиш вақти» тушунчаси келтирилган бўлиб, дам олиш вақти, бу — ходим меҳнат вазифаларини бажаришдан холи бўлган ва бундан у ўз ихтиёрига кўра фойдаланиши мумкин бўлган вақт ҳисобланади.

Дам олиш вақтининг қуйидаги турлари мавжуд:

- ♦ **ходимга иш куни**

(смена) давомида дам олиш ва овқатланиш учун бериладиган танаффус — бу танаффус иш вақтига киритилмайди;

- ♦ **кундалик дам олиш вақти** — ишнинг тугаши билан кейинги куни (сменада) иш бошланиши ўртасидаги кундалик дам олиш вақтининг муддати ўн икки соатдан кам бўлиши мумкин эмас;

- ♦ **дам олиш кунлари** — барча ходимларга дам олиш кунлари (ҳар ҳафталик узлуксиз дам олиш) берилади. Бунда беш кунлик иш ҳафтасида ходимларга ҳафтада икки дам олиш куни, олти кунлик иш ҳафтасида эса бир дам олиш куни берилади. Умумий дам олиш куни — яқшанбадир. Дам олиш кунларида, одатда, ишга жалб қилиш тақиқланади;

- ♦ **байрам (ишланмайдиган) кунлари** — улар тўққизта умумхалқ байрамларидан иборат бўлиб, бундай кунларда ходимларни ишга жалб қилиш тақиқланади. Фақатгина истисно ҳолатларда, яъни ишни тўхтатиб туриш мумкин бўлмаган жойларда, аҳолига хизмат кўрсатиш

зарурати бўлган ишларда, шунингдек, кечиктириб бўлмайдиган таъмирлаш ва юк ортиш-тушириш ишларида байрам (ишланмайдиган) кунлари ишлашга йўл қўйилади. Дам олиш ва байрам кунларидаги ишлар учун камида икки ҳисса миқдорида ҳақ тўланади;

- ♦ **йиллик меҳнат таътиллари** — камида 15 кундан иборат бўлиб, уларнинг энг узоқ муддати 48 иш кунидан ошмаслиги керак. Йиллик меҳнат таътиллари ҳақ тўланадиган узоқ муддатли дам олиш вақти ҳисобланади.

Фуқароларнинг дам олиш ҳуқуқи Конституцияда кафолатланиши муҳим аҳамиятга эга.

Биринчидан, бу ҳуқуқ нафақат ёлланма ходимларга, балки ҳар бир шахс учун, тенг равишда, истисноларсиз берилади. Унинг Конституцияда белгилангани, демак, энг юқори ҳуқуқий ҳимоя билан таъминланади деганидир.

Иккинчидан, йиллик, ҳафталик фаолияти давомида ҳар бир ишчи-ходим дам олиш

ҳуқуқидан фойдаланади. Бу, албатта, унинг келгусида янада самарали меҳнат қилиши, ишида унум бўлишига хизмат қилади.

Учинчидан, фуқаро дам олиш кунлари оиласига вақт ажратади. Фарзандларининг ҳол-ахволи, ўй-фикрлари билан қизиқади, режалари билан ўртоқлашади. Ишлайдиган йигит-қизлар дам олиш вақтида қўшимча фойдали машғулотлар билан шуғулланишга имкон топади. Чет тилларни ўрганиш дейсизми, китоб мутолааси, дўстлар даврасида янги марралар, ғоялар ҳақида суҳбатлашади.

Ана шу асосларга кўра, ҳар бир шахснинг дам олиш ҳуқуқи Бош қонунда мустаҳкамланиши муҳим аҳамиятга эга.

Гулноза САТТАРОВА,
Олий Мажлис ҳузуридаги Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти бўлим бошлиғи,
юридик фанлари номзоди.
Айбек ГАНИБАЕВ,
институт бош илмий ходими.

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

«ТАШАББУСЛАР АҲОЛИГА ҚУЛАЙЛИК ЯРАТМОҚДА»

Нишон тумани Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бўлими мавжуд 36 та маҳалланинг ҳар бирида тизимли ўрганишларни йўлга қўйиб, қатор хайрли ташаббуслар амалга ошириб келмоқда.

«Кўксой» маҳалласида фуқаролар мурожаати «хонадонбай» ўрганилганда, уларни, асосан, ички йўллар таъмири, ичимлик сув, электр ва симёғоч масаласи қийнаётгани маълум бўлди. «Ойдин» маҳалласидаги ўрганишларда одамлар томорқаси учун оқова сув муаммосини кўтарди. Бўлим ташаббуси билан қисқа фурсатда мазкур маҳалладаги 400 дан ортиқ хонадон томорқаси учун оқова сув чиқариб берилди.

«Пахтазор» йиғинидаги ўрганишлар натижасида 115 нафар иш билан банд бўлмаган фуқарога 10 йиллик ижара асосида деҳқончилик учун ер ажратилиб, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштиришга шароит яратилди. Жумладан, бугунгача шу маҳаллада яшовчи Хусан Ниёзов ва Юлдуз Ниёзовалар 0,30 гектар майдонда етиштирган полиз маҳсулотларини ички бозорга чиқармоқда.

«Жалажин», «Орзу бўстони», «Янгио-

бод» маҳаллалари аҳолиси шу вақтгача зарур тиббий, ҳатто биринчи ёрдам учун туман марказига боришга мажбур эди. Президент топшириғи асосида мазкур маҳаллаларда кўчма тиббиёт пунктлари (контейнерлар) ташкил этилди.

Қолаверса, аҳоли турмуш шароитини яхшилаш мақсадида бўлим ташаббуси билан «Пахтазор» йиғинида 0,6 км. ички йўллар асфальт қилинди, «Пахтазор» ва «Навбахор» маҳаллаларини боғлаб турувчи 3 км. ички йўлларда таъмирлаш ишлари бошлаб юборилди. «Гулзор» ва «Орзу бўстони» йиғинлари ҳудудидаги ўқувчилар учун янги ўқув йилидан замонавий типдаги мактаб биноси қурилиб, фойдаланишга топширилади.

Бекназар САРИЕВ,
Нишон тумани Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи.



ВАЗИЯТ

Пул қилиш навбати тарихий ёдгорликларга келдимми?

АСРЛАРГА ТЕГИШЛИ ЁДГОРЛИКНИ БУЗИБ, ЎРНИГА УЙ ҚУРИШ УЧУН ҚАНЧАЛАР САВОДСИЗ БЎЛИШ КЕРАК ОДАМ? БУНДАЙ ХАТТИ-ХАРАКАТНИ НА ТАРИХ, НА КЕЛАЖАК АВЛОД КЕЧИРМАСА КЕРАК

«Ўзбекистонда ўн асрлик ёдгорлик бузилиб, ўрнига уй қурилди», «Намангандаги фалон ёдгорлик вайрон қилинди» каби хабарлар охири кунларда кўпайиб қолгандек... Хўш, гап нимада ўзи, нахотки, энди тарихимизни пуллаш йўлига ўтган бўлсак? Ахир тарихини ҳурмат қилмаган миллатдан нима кутиш мумкин?



Қашқадарё вилоятида жойлашган X-XII асрларга оид «Чордангиттепа» археология ёдгорлигининг бир қисми бузиб ташланиб, ўрнига ўзбошимчалик билан уй-жой қурилгани аниқланди. Бош прокуратуранинг маълумот беришича, Яккабоғ туманида жойлашган археология ёдгорлигининг бир қисми М.Ф. исмли шахс томонидан бузиб ташланиб, ўрнида уй-жой қуриб юборилган. Бу иш орқали давлат манфаатларига 315 млн. сўмлик зарар етказилган.

Бундан ташқари, Самарқанд туманидаги VI-VII асрларга оид «Номсизтепа» археология ёдгорлиги бир қисми номаълум шахслар томонидан бузиб ташланган. Оқибатда давлат манфаатларига 1,5 млрд. сўмлик жуда кўп миқдорда зарар етказилган.

Авалроқ, Наманган вилоятида ўрта асрларга оид «Ўрдатепа» археологик ёдгорлиги бузиб ташланиб, ўрнига ўзбошимчалик билан уй-жой қурилгани борасидаги воқеа катта муҳокамаларга сабаб бўлганди (қаранг-а, бутун бошли ўрта асрларга тегишли бир қадим ёдгорлик бузиб ташланиб, ўрнига уй қурилган ҳам биров

билмабди).

Янгиқўрғон туманидаги «Навкент» маҳалласида жойлашган «Ўрдатепа» археологик ёдгорлигининг 0,03 гектар қисми Ж.У. исмли фуқаро ҳамда 0,02 гектар қисми А.Ю. исмли фуқаро томонидан махсус техника ёрдамида бузиб ташланиб, ўрнига ўзбошимчалик билан уй-жой қурилган. Оқибатда тарихий ёдгорликка қарийб 72 млрд. сўмлик жиддий зарар етказилган. Аммо шу ёдгорлик бузиб ташланиб, ўрнига уй-жой қуриб олинганча нахотки ҳокимлик, маҳалла, бошқа мутасадди ташкилотлар хабар топмаган дейсиз?

Кўҳна ва қадрли обидалар, қадамжоларни саводсизларча ва ўзбошимчалик билан буткул йўқотиб юбориш — тарихга ҳурматсизлик, бу билан туризм имкониятларини чеклашга қўйилган тўсиқ эмасми? Кўплаб ривожланган давлатларда тарихий қиймат ва қимматга эга обидалар, зиёратгоҳлар, моддий маданий мерос ва археологик туристик соҳада жуда самарали фойдаланишади. Ўз аждодлари қўли билан бунёд этилган бу каби обидаларни

кўзга суришади. Бизда эса...

Ахир, ўзингиз ўйлаб кўринг, асрларга тегишли ёдгорликни бузиб, ўрнига уй қуриш учун қанчалар саводсиз бўлиш керак одам? Бундай хатти-ҳаракатни на тарих, на келажак авлод кечирмаса керак. Тарихни хўрлаш, оёқости қилиш эмас, ҳурмат билан муносабатда бўлиш бизнинг асосий инсонийлик бурчларимиздан бири эмасми?

Кўтарилган мавзу ўта долзарб. Ҳатто бугунги кунда юртимизнинг гоҳ у, гоҳ бу тарихий ёдгорликлари бузилиб, ўрнига бирор бино қурилаётгани ҳақида эшитиб қоламиз. Ўрганиб кўрсак, ноқонуний экани ёки Шаҳарсозлик кодекси талабларига мутлақо эид равишда қурилгани исботланади. Нега бундай бўлаётгани, бунинг сабаби нима эканини ким одамларга тушунтиради? Нега ҳеч ким ўзбошимча қурувчиларга ёки уй қуриб олганларга чора кўра олмайди? Шундай катта миллиардлаб солинаётган жарималарни ўша уй қуриб олган одам тўлай оладими? Саволлар кўп, жавоблар эса...

Улуғбек ИБОДИНОВ.



ФИКР

ЭНДИ УНИВЕРСИТЕТНИ БИТИРГАН ЁШЛАРДАН ИШ СТАЖИ СЎРАЛИШИ ТЎҒРИМИ?

Халқ таълимидаги мутасаддиларга яна ачиқ гапиришга мажбурмиз. Чунки номимга келаётган мурожаатларнинг аксарияти ўқитувчи ва ўқитувчи бўлмаётганлардан бўлмоқда. Шундай мурожаатларнинг бири билан танишинг:

«Ассалому алайкум, ёш кадрларнинг ишга қабул қилиниши ҳақида маълумот берсангиз. Университетни шу йил битирдим, инглиз тилини биламан (C1 даражаси), компьютерда бемалол ишлай оламан, аммо қаердан иш сўрасам, стаж сўраяпти. Энди ўқишни битирган талаба стаж иўқ деб ишга олинмайди? Ҳозирда Бухоро вилояти Шофиркон туманида яшайман. Аммо магистратурада ўқишим сабаб, Тошкент шаҳридан иш излаялман».

Бу хабарни ўқиб, йиғлашни ҳам, кулишни ҳам билмайди киши. Энди олий даргоҳни битирган ёшдан стаж сўралиши қайси қонун-қоидага, мантиққа тўғри келади. Келмайди ҳам. Мурожаатчи қиз билан гаплашдик. Бухоро давлат университетининг география факультетини тугатиб, бакалавр бўлган. Ҳозир Тошкентда магистратура йўналишида ўқишга тайёргарлик кўрмоқда. Унинг айтишича, Юнусобод ва Олмазор туманлари биржаларига иш сўраб борган. Улар ёрдам бериш ўрнига эшикни кўрсатиб, «ўзингиз излаб топинг» дейишган. Беш-олтита мактабга борган қизни директорлар «Талабани ишга олмаймиз» ёки «Стажингиз йўқ экан» деган ваъдалар билан

умидсиз қайтаришган. Шу йилнинг 4 март куни Президент иштирокида айнан шу мавзуда видеоселектор йиғилиши ўтказилиб, ҳозирда талабалар ишлаши мумкин бўлган 105 мингта вакант борлиги ва шу боис 2- ва 3-, ҳатто 1-курс талабалари ҳам ишлаши мумкинлиги, мутасаддиларга ишлашга эҳтиёжи бор талабаларга ёрдам бериб, бандлигини таъминлаши шартлиги бўйича вазибалар берилган эди.

Наҳот, мактаб директорлари ушбу видеоселектордан беҳабар бўлса. Ёки Президент топшириғи Халқ таълими тизимидагиларга тегишли эмасми?

Ахир 105 минг вакант ўриннинг аксарияти шу тизимга тегишли экани барчага маълум-ку. Яъни таълим ва хизмат кўрсатиш соҳаларида 22 мингта бўш ўрин мавжуд. Айниқса, пойтахт мактабларида.

Демак, бундай хатти-ҳаракатдан порохўрлик, таниш-билишчиликнинг ҳиди келяпти, назарингиз. Акс ҳолда университетни муваффақиятли тугатиб, камига инглиз тилида C1 даражаси сертификатга эга бўлиб, катта умидлар билан Тошкентга келган қиз иш излаб пойтахт кўчаларида сарсон бўлмасди...

Жаҳонгир ЗИЯЕВ.

РАИС ЁН ДАФТАРИГА!

КИМЛАРГА ТЕКИН УЙ-ЖОЙ БЕРИЛАДИ?

«Давлат уй-жой фондини хусусийлаштириш тўғрисида»ги қонуннинг 7-моддасига асосан, айрим ҳолатларда фуқароларга давлат томонидан текинга уй-жой берилади.

Жумладан, фуқароларнинг давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкалари олиб қўйилиши муносабати билан уйлари бузилиши натижасида, агар уларга бузилган уйлари эвазига пул товони тўланмаган бўлса, давлат уй-жой фонди уйларида олган тураржойлари, шунингдек, табиий офатлар оқибатида уйлари бузилиши муносабати билан олган квартиралари, бу квартиралар қачон

ажратилганидан қатъи назар, уларга ёки уларнинг ворисларига текинга берилади. Юқоридаги жумлаларни оддийлаштирадиган бўлсак, демак, Сизга уч хил ҳолатда текинга уй берилар экан: 1) Яшаб келаётган уйингиз тўкилиб тушиш арафасида бўлса; 2) Уйингиз табиий офатдан вайрон бўлган бўлса; 3) Уйингиз давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун бузилиб, пули тўланмаган бўлса.

ҲОЛАТ



Янги қонун аҳоли хавфсизлигига хизмат қилади

ҚОНУНДА ФУҚАРОЛАРГА ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ЗОНАЛАРИДА ИШЛАГАНИ УЧУН БЕПУЛ ТИББИЙ ХИЗМАТ, КОМПЕНСАЦИЯЛАР ВА БОШҚА ИМТИЁЗЛАР БЕРИЛИШИ КЎРСАТИБ ЎТИЛГАН

Фавқулодда вазиятлардан ҳеч қайси давлат мукамал ҳимояланмаган. Сув тошқинлари, зилзилалар, техноген бахтсиз ҳодисалар барча мамлакатларда содир бўлиб туради. Жумладан, Ўзбекистон ҳам бундан мустасно эмас. 1966 йилдаги «Тошкент зилзиласи», кейинроқ «Шоҳимардон тошқини», «Сардоба фожиаси», «Бухоро шамоли» ва бошқаларни бунга мисол қилиш мумкин. Албатта, замонавий технологиялар, огоҳлантириш тизимлари имкон қадар бундай ҳодисаларнинг олдини олишга, қурбонларга йўл қўймасликка хизмат қилиши тайин. Аммо бу тизимлар ҳамisha мукамал ишламаслигини кўп бора гувоҳи бўлганмиз.

Ҳўш, фавқулодда ҳодисалар юз берганида нима қилмоқ керак? Аввало, одамларни ҳимоялаш, уларнинг ҳаёти ва мол-мулкни асраб қолиш, компенсация ва суғурталаш тармоқларининг мукамал ишлашини таъминлаш лозим. Куни кеча Президент имзолаган «Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонун ана шу мақсадларга хизмат қилади.

АВВАЛ ҚАНДАЙ ЭДИ?

Тўғри, қонунчилигимиз шу пайтгача фавқулодда ҳодисалар пайтида амалга ошириладиган ишларни таърифлаб келган. Соҳага оид ўнлаб қарорлар, қонун

ва қонуности ҳужжатлари мавжуд. Аммо, шунга қарамай, амалдаги ҳуқуқшуносликда фавқулодда вазиятларнинг манбалари, унинг режимлари тўғрисида аниқ кўрсаткичлар мавжуд эмас эди. Янги қонун ана шу бўшлиқларни бартараф қилмоқда.

— Қонунга кўра, фавқулодда вазиятлар рўй бериш манбаига қараб бўлиб қўйилди, — дейди Фавқулодда вазиятлар вазирлиги матбуот хизмати ходими Самандар Ҳикматуллаев. — Жумладан, табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлар алоҳида-алоҳида таърифга эга. Ҳар бир ҳолатда амалга ошириладиган ишлар айрича белгилаб қўйилди. Шу билан бирга, фуқароларга фавқулодда

вазиятлар зоналарида ишлагани учун бепул тиббий хизмат, компенсациялар ва бошқа имтиёзлар берилиши кўрсатиб ўтилган. Прогноз қилинган ёки рўй берган фавқулодда вазиятнинг қўлами ва ҳолатига қараб муайян ҳудудда фавқулодда вазиятлар давлат тизимининг режимлари масаласига аниқлик киритилган.

Масалан муайян ҳудудда, объектда фавқулодда вазиятлар рўй бериши хавфи мавжуд бўлмаганда — кундалик режим, фавқулодда вазиятлар рўй бериши хавфи мавжуд бўлганда — юқори тайёргарлик режими, фавқулодда вазиятлар рўй берганда ва фавқулодда вазиятлар даврида — фавқулодда вазият режими ўрнатилиши кўрсатиб ўтилган.

ОГОҲЛАНТИРИШ УСУЛЛАРИ

Шу билан бирга, аҳолини огоҳлантириш, хабардор қилиш масалалари алоҳида қайд этилган. Давлат томонидан фавқулодда вазиятлардан муҳофаза

қилиш ҳолати, аҳоли хавфсизлигини таъминлаш бўйича қўрилаётган чоралар, прогноз қилинаётган ёки рўй берган фавқулодда вазиятлар, улардан муҳофазаланиш усуллари тўғрисида ОАВ орқали аҳоли ўз вақтида ва ишончли хабардор қилиниши шартлиги кўрсатиб ўтилган. Бу эса соҳа ходимларининг матбуотда доимий равишда чиқишлари ва фуқароларга тушунтириш беришларини таъминлайди.

ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАРНИ ЭЪЛОН ҚИЛИШ

Ҳўш, фавқулодда вазият қандай ва қачон эълон қилинади? Қонунда мазкур масалага тўлиқ изоҳ берилади.

Аввало, маҳаллий миқёсдаги фавқулодда вазиятларда — ҳокимларнинг тегишли қарорлари зарур бўлади. Республика миқёсидаги ва трансчегаравий фавқулодда вазиятларда — Ҳукумат қарори билан амалга оширилади. Бундан ташқари, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ҳамда бошқа тегишли идоралар ҳамкорликда доимий равишда ўқув машғулоти ўтказиб боришлари, соҳага ажратиладиган маблағлар, моддий-техник базанинг мунтазам ривожлантириб бориши каби вазибалар ана шу қонун орқали амалга оширилади.

Улуғбек ИБОДИНОВ.

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

«ТЕРАКЗОР»ДА «УЧ АВЛОД УЧРАШУВИ» ЎТКАЗИЛДИ

Мустақиллигимизнинг 31 йиллиги байрами арафасида Бекобод туманининг «Теракзор» маҳалласида ўтказилган «Уч авлод учрашуви» аҳоли томонидан илиқ қаршиланди.



Тадбирда маҳалла фаоллари, ҳудудда истиқомат қилаётган кекса авлод вакиллари, истеъдодли ёшлар қатнашди. — «Уч авлод учрашуви», айниқса, ёшларимиз учун жуда муҳим, — дейди маҳалла ёшлари етакчиси Ш.Мингбоев. — Бундай тадбирлар орқали бизда ҳозирги тўкин-сочин, тинч-осуда ҳаётимизни аввалги даврлар билан солиштириш имкони туғилади. Ёши улуғ инсонлар пахта яккаҳоқимлиги, истиқлолнинг

илк йилларидаги қийинчиликлар тўғрисида гапириб беришди. Тўғриси, бу гаплар бугун биз учун бир эртақдек туюлади. Аммо оталаримиз ўша оғир кунларни кўриб, аччиғини тотиб улғайишган. Юқоридаги мунтазам суҳбатлар ёшларимизда шукроналик ҳиссини уйғотишга хизмат қилмоқда. Тадбир ёши улуғ нурунийлар билан ёшлар ўртасида ибратли савол-жавобларга бой ҳамда кўтаринки руҳда бўлди.

РАИС ЁН ДАФТАРИГА!

ҲАҚОРАТ ҚИЛГАНЛИК УЧУН ҚАНДАЙ ЖАВОБГАРЛИК БОР?

Ҳақорат қилганлик — шахснинг шаъни ва қадр-қимматини қасддан камситганлик ёки беодоблик билан қасддан таҳқирлаганлик учун қонунчиликда маъмурий ва жиноий жавобгарлик назарда тутилган.

Хусусан, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда ҳақорат қилган шахсга нисбатан 6 млн. сўмдан 12 млн. сўмгача миқдорда жарима солиниши белгиланган. Агар ушбу ҳуқуқбузарлик бир йил ичида такроран содир этилса, ҳуқуқбузарга нисбатан жиноий жавобгарлик белгиланади.

Жиноят кодексига асосан, ҳақорат қилган шахсга:

- 60 млн. сўмгача миқдорда жарима;
- 240 соатгача мажбурий жамоат ишлари;
- 1 йилгача ахлоқ тузатиш ишлари жазоси берилиши мумкин.

Ҳақорат қилиш нашр қилиш, бошқача усулда кўпайтирилган матнда ёки ОАВ орқали амалга оширилса,

ушбу ҳаракат тўғридан-тўғри жиноят ҳисобланади ва айбдор 60 млн. сўмдан 120 млн. сўмгача жарима, 240 соатдан 300 соатгача мажбурий жамоат ишлари, 1 йилдан 2 йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланиши мумкин.

Агарда ҳақорат қилиш жабрланувчини ўз хизмат ёки фуқаролик бурчини бажариши муносабати билан боғлиқ ҳолда, хавфли рецидивист томонидан, тўхмат қилганлиги учун илгари судланган шахс томонидан қилинган бўлса:

- 120 млн. сўмдан 180 млн. сўмгача миқдорда жарима;
- 2 йилдан 3 йилгача ахлоқ тузатиш ишлари;
- 1 йилгача озодликни чеклаш жазоси тайинланиши мумкин.

КЎЗГУ



Истеъмолчиларга 40 миллиард сўм зарар етказилган

ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ ЎТГАН ДАВРИ МОБАЙНИДА 2 МИЛЛИОН 240 МИНГГА ЯҚИН ИСТЕЪМОЛЧИНИНГ ХУҚУҚ ВА МАЊФААТЛАРИ БУЗИЛГАН. ЕТКАЗИЛГАН ЗАРАРНИНГ 24,5 МЛРД. СЎМДАН ОРТИҚ ҚИСМИ ИСТЕЪМОЛЧИ ФОЙДАСИГА ҚАЙТА ҲИСОБ-КИТОБ ҚИЛИНГАН

Бугун фуқароларда ҳуқуқий билим даражаси ошиб борапти. Бу эса истеъмолчи сифатида ўзаро муносабатларда яққол намоён бўлмоқда. Одамлар ҳуқуқлари бузилганда кимга ва қаерга мурожаат қилиш лозимлигини англаб етди. Буни Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлигига жорий йилнинг ўтган даврида келиб тушган мурожаатлар сонидан билиш мумкин.

Унга кўра, жами 12 мингга яқин мурожаат келиб тушган. Уларнинг 40 фоизи — уй-жой коммунал, қурилиш ва транспорт хизматларига тўғри келса, 38 фоизи — савдо ва умумий овқатланиш хизматлари, 16 фоизи — алоқа, молия ва ижтимоий хизматлар ҳамда 6 фоизи — реклама муносабатлари ва бошқа масалалардир.

Агентлик мутахассислари мурожаатларни кўриб чиқиш ва ўрганиш жараёнида 2 миллион 240 мингга яқин истеъмолчининг ҳуқуқ ва маънафатлари бузилганини аниқлади. Шундан истеъмолчиларга етказилган зарар миқдори 40 млрд. сўмни ташкил этган. Бугунги кунга қадар Агентлик сайё-ҳаракати билан истеъмолчилар фойдасига 24,5 млрд. сўмдан ортиқ маблағ қайта ҳисоб-китоб қилиб

берилди. Қолган маблағларни истеъмолчиларга қайтариш чоралари кўрилмоқда.

Яроқлилик муддати ўтган, ишлаб чиқарилган санаси кўрсатилмаган, мувофиқлигини тасдиқловчи ҳулосаларга эга бўлмаган сифатсиз ва истеъмолга яроқсиз бўлган озиқ-овқат маҳсулотларини сотиб олгани ҳақида истеъмолчилардан 1 минг 500 га яқин мурожаат келиб тушди. Кўрилган чора-тадбирларга кўра, республикадаги 9 мингга яқин чакана савдо дўконларида турли хил озиқ-овқат маҳсулотларини сақлаш шароитлари ва харидорларга сотиш жараёнида хавфсизлик талабларига риоя этилиши ўрганилди.

Натижада 12 фоиз, яъни 1 050 га яқин ҳолатда чакана савдо қоидалари талаблари бузилгани

аниқланди. Жумладан, озиқ-овқат маҳсулотлари куёш тифида сақланган, махсус жиҳозланмаган расталарда гўшт ва гўшт маҳсулотлари, тухум, сут ва сут маҳсулотлари сотилган. Ачинарлиси, жазирама иссиқда савдо дўконларида музлатгичлар етишмаслиги сабабли озиқ-овқат маҳсулотларини сақлаш шартларига риоя этилмагани уларнинг таркиби тез бузилишига ва сифатсиз ҳолда истеъмолчиларга реализация қилинишига, истеъмолчиларнинг соғлигига зарар келтирилишига олиб келади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 августдаги 253-сон қарорининг 15-бандига мувофиқ, савдо операциялари ўлчаш-тортиш воситаларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилмаган бозорларда метрологик қоидалар ва меъёрлар талабларига мувофиқ бўлган ўлчов анжомлари мавжуд бўлиши шарт.

Айни ҳолатни ўрганиш мақсадида республикадаги 192 та деҳқон бозори қамраб олинди. Ўрганиш жараёнида

51 мингга савдо расталаридан 1 минг 474 тасида, яъни 2,8 фоизи тарозилар метрологик текширувдан ўтказилган. Қолган 49 минг 500 дан ортиқ расталарда тарозиларнинг сертификатлари мавжуд эмаслиги аниқланди. Мисол учун, Хоразм вилоятидаги «Qo'shko'pir dehqon bozor» МЧЖда расталарни тарози билан таъминланганлик даражаси атиги 2 фоизни, Андижон вилояти «Асака деҳқон бозори» 5 фоизни, Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус шаҳридаги «Нукус деҳқон бозори»да 15 фоизни ташкил этади.

Бугунги кунда савдо йўналишидаги долзарб муаммолардан бири — электрон онлайн харидлардир. 2022 йилнинг ўтган даври мобайнида Агентликка электрон савдо бўйича 392 та мурожаат келиб тушган.

Таъкидлаш жоизки, 2022 йилда ўзгартириш киритилган «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунга мувофиқ, товарларни

(ишларни, хизматларни) ахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда реализация қилишда сотувчи ва истеъмолчиларнинг мажбуриятлари, шартномани бекор қилиш шартларини олдиндан кўрсатиб ўтилиши, товарларни бут етказиб беришга сотувчи маъсул экани, сотувчининг шикоятларни қабул қилиш манзиллини кўрсатилиши, товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) асосий истеъмол хусусиятлари ва ўзига хос хусусиятлари ҳақида маълумот бериш шартлиги, тўловни амалга ошириш ва уни қайтариш шартлари аниқ белгилаб берилди.

Хулоса сифатида барча истеъмолчиларга ҳуқуқ ва маънафатлари бузилган тақдирда Агентликнинг «1159» қисқа рақами ҳамда consumer.uz веб-сайти орқали мурожаат қилиш мумкинлигини таъкидлаб ўтаамиз.

Моҳрухсор ТОҒАЕВА, Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлиги ахборот хизмати раҳбари.

БИЛАСИСИМИ?

ТАЪСИРИ КУЧЛИ ДОРИЛАР РЕЦЕПТСИЗ БЕРИЛМАЙДИ

Кучли таъсир қилувчи моддалар рўйхатига киритилган дорилар учун ёзилган рецептлар дорихоналарда бир йил давомида сақланади.

Беморга рецептли дориларни рецептни расмийлаштирмасдан тайинлаш тақиқланади.

Дорилар ва тиббий буюмларнинг савдо жараёнини узлуксиз равишда видеога ёзиб олиш ва 1 ой давомида видео-ёзувларни сақлаш мазкур фаолият учун лицензия талаби ҳисобланади. Мазкур талабнинг мунтазам бир йил давомида бир мартадан кўп бузилиши лицензиянинг амал қилишини тугатиш учун асос бўлади.

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

ҚАЛАВРОННИНГ ЙЎЛИ РАВОН БЎЛАДИ

Жорий йилнинг 20-29 апрель кунлари «Openbudget.uz» ахборот портали орқали ўтказилган «Менинг йўлим» лойиҳасида Ромитан туманидан 3 та лойиҳа ғолиб, деб топилган эди. Шу кунларда ушбу лойиҳаларни амалга ошириш ишлари бошлаб юборилган.



Жумладан, 1-секторга қарашли «Муғонча» маҳалла фуқаролар йиғинидаги Қалаврон қишлоғини асфальтлаш тақлифида фуқаролар фаол иштирок этиб, 2-ўринни қўлга киритди. Натижада 604 млн. сўм маблағ ютиб олинди. Қишлоқни асфальт қилиш учун ўтказилган тендер савдоларида «Ромитан туман йўллардан фойдаланиш» унитар корхонаси ғолиб бўлди. Ҳозирда ҳудудга корхонанинг 10 нафардан ортиқ ходими ҳамда 10 га яқин махус техникалар жалб этилган бўлиб, асфальт ётқизиш ишлари олиб борилмоқда. Мутахассисларнинг таъкидлашича, яқин 10 кун ичида ишлар якунига етади ва қолган икки маҳаллада лойиҳа ижросига киришилади.

БУГУННИНГ ГАПИ

Маҳаллаларда экологик назорат янада кучайтирилади

2023 йил 1 январдан янги кўп квартирали уйлар қурганда чиқинди тўплаш жойларини белгиланмасдан лойиҳалаштиришга йўл қўйилмайди ва фойдаланишга қабул қилинмайди

Қайси ҳолат кўп танқид қилинса, аксига олиб, шу соҳада муаммолар кўпайиб бормоқда. Буни экология ва атроф-муҳит билан боғлиқ вазиятларда кўриш мумкин. Дарахт кесма, дейилса, бунинг тескариси бўлмоқда, чиқиндиларни белгиланмаган жойларга ташлама, дейилса, шунча ҳолатда экологик қонунбузилишга гувоҳ бўляпмиз.

Чилонзор туманидаги «Кўтарма» маҳалласига девордармиён кўп қаватли уйлар орасидаги бўш майдон бугун ноқонуний чиқиндихонага айланган. Қизиқ томони, ундан 50 метр узокликда белгиланган чиқиндихона бор. Бу ҳақда кўп қаватли уйларда яшовчилар Чилонзор тумани Халқ қабулхонасига, маҳалла раисига маълум қилиб, амалий ёрдам сўрашган. Аммо натижа йўқ...

Мен бунинг сабаби нимада экани ҳақида кўп ўйладим. Маълум бўлишича, муаммоларга бош омил, биринчи навбатда, ўша ҳудуд масъулларининг бепарволиги бўлса, иккинчи ҳолатда шу соҳадаги қонунлардаги бўшлиқлардир. Яна бир оғриқли жиҳат — қонунларнинг мавжудлари ҳам ишламайди.

Жорий йил 11 августда Президент «Чиқиндилар билан боғлиқ ишларни ташкил этиш тизимини ислоҳ қилиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонни имзолади. Фармон билан танишиб чиқар эканман, насиб қилса, тизимдаги муаммолар барҳам топишига умид уйғонди. Сабаби, ҳужжатга кўра, соҳага доир кўп масалаларга оидинлик киритилди.

Жумладан, энди тадбиркорлик субъектлари санитар тозалаш бўйича ихтисослаштирилган корхоналар республика бирлашмасига ҳамда санитар тозалаш хизматларини ташкил этиш марказларига тўланадиган мажбурий тўловлардан озод қилинди. 2026 йил 1 январгача асосий фаолияти чиқиндиларни тўплаш, олиб чиқиб кетиш, саралаш ва қайта ишлаш ҳисобланган тадбиркорлик

субъектлари учун ушбу фаолият тури бўйича фойда солиғи (тижорат банкларидан жойлаштирилган маблағлардан олинган фоизлардан ташқари) ва ижтимоий солиқ ставкаси 1 фоиз миқдоридан қўлланилади. Қолаверса, махсус автотранспортлар ва техникаларини давлат-хусусий шериклик асосида хусусий шерикка бериш муддати 7 йилдан 10 йилга ҳамда бир йиллик имтиёзли давр билан узайтирилади.

Кичик тадбиркорлик субъектлари бўлган санитар тозалаш корхоналарига инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш доирасида банкларнинг миллий валютада ажратиладиган кредитлари бўйича 50 фоизгача (50 фоиз ҳам қиради), бироқ умумий қиймати 2,5 миллиард сўмдан ошмаган миқдорда кафилликлар ҳамда 2024 йил 1 январгача умумий қиймати 5 миллиард сўмдан, фоиз ставкаси Марказий банк асосий ставкасининг 1,5 бараваридан ошмаган кредитлари бўйича унинг асосий ставкадан ошган, бироқ асосий ставканинг 30 фоизидан кўп бўлмаган қисмини қоплаш учун уч йил муддатгача «2+1» тамойили асосида компенсациялар тақдим этилади.

Экологик назоратнинг жамоатчи инспекторларига Давлат экология қўмитаси томонидан юритиладиган «Яшил макон» ва бошқа платформалардан фойдаланиш имконияти яратилади.

Энг муҳими, энди маҳаллаларда бу масала билан шуғулланиш тартиби оидинлаштирилди. Яъни ички ишлар органлари таянч пункти профилактика (катта) инспекторларига



маҳаллаларда экологик назоратни амалга ошириш бўйича бир қатор вазифа ва ваколатларни бериш орқали «Экологик патруль» ишлаш тизими кенгайтирилмоқда.

Булар — маҳаллаларда экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланишга доир ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш, шунингдек, браконьерликка қарши курашиш ва экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланишга доир ҳуқуқбузарликлар ҳамда браконьерликка қарши курашиш бўйича бевосита маъмурий жавобгарликка тортиш ва терговга қадар текширувни амалга ошириш.

Ўз навбатида экологик назоратнинг жамоатчи инспекторлари экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунчилик талабларини бузганлик ҳолатларини аниқлаши ва зарур чоралар қўриши натижаларига кўра пул мукофотлари билан

рағбатлантирилади.

Этиборлиси, ички ишлар органлари таянч пункти профилактика (катта) инспекторлари, Патруль-пост хизмати ходимлари ва Миллий гвардия ҳарбий хизматчилари (ходимлари) экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар бўйича маъмурий жавобгарликка тортиш чоралари қўрилиши натижасида жарима сифатида ундирилган маблағларнинг 30 фоизи миқдордаги пул мукофоти билан рағбатлантирилади.

2023 йил 1 январгача аҳолини унинг қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш хизматлари учун тўловлар бўйича қарздорлиги ҳақида фойдаланилган электр энергияси учун ҳисоб-китобларни юритиш биллинг тизими орқали хабардор қилиш тизими жорий этилади. 2023 йил 1 январдан янги кўп квартирали уйлар қурганда чиқинди тўплаш жойларини белгиланмасдан лойиҳалаштиришга йўл

қўйилмайди ва фойдаланишга қабул қилинмайди.

Аҳолига тўловларни тўлашда ҳам қулайлик яратилмоқда. Яъни 2022 йил 1 октябргача қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш хизматлари учун тўловларни барча мавжуд тўлов тизимлари орқали амалга ошириш имконияти яратилади.

2022 йил 1 ноябргача эса аҳоли томонидан мажбурий тўловларни тўлаш ва ҳисобини юритишнинг ягона электрон тизими «Электрон ҳуқуқ» тизимининг идоралараро интеграциялашув платформаси ва «Хорижга чиқиш паспорти» ахборот тизими билан интеграция қилинади. Бу эса тўловлардан қарздорлик камайишига хизмат қилади. Демак, энди хорижга чиқмоқчи бўлган фуқаро биринчи галда маиший чиқинди тўплаш ва олиб чиқиб кетиш хизматлари учун қарздор бўлмаслиги керак. Акс ҳолда хорижга чиқа олмайди.

Мақсадбек ФАЙЗ.

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

ФАРҒОНАДА 38 ТА МАҲАЛЛА ОБОД БЎЛМОҚДА

Фарғона вилоятида жорий йилда «Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурлари доирасида 38 та маҳаллада 427 миллиард 800 миллион сўмлик ишлар амалга оширилиши белгиланган.

Айни кунларда дастурлар доирасида Ўзбекистон туманидаги «Намуна» маҳалласида 140 та янги таянч устунлари ўрнатилиб, 1 500 метрдан зиёд СИП русумдаги изоляция кабеллар тортилди. Фурқат туманидаги «Чекчувалдоқ» маҳалласида Халқобод кўчасига 1 км.дан зиёдроқ масофага ичимлик суви тармоғи тортилиб, маҳаллада электр таъминоти сифатини яхшилаш учун 2 та трансформатор ўрнатиш ва 2,9 км. масофага замонавий электр симлари тортиш ишлари бажарилмоқда.

Сўх туманидаги «Қалъача» маҳалласи ҳудудида янги тиббиёт маскани қурилиши бошлаб

юборилган. Риштон туманидаги «Амиробод» маҳалласида 820 ўринли мактаб биносини жорий таъмирлаш учун 820 миллион сўм маблағ ажратилган бўлиб, мазкур мактабда капитал таъмирлаш ишлари амалга оширилмоқда.

Шунингдек, дастурлар доирасида Фарғона шаҳрининг «Оқариқ» маҳалласидаги 35-мактабда, Бешариқ туманининг «Қияли» маҳалласидаги 15-мактабда, Бағдод туманининг «Дашт» маҳалласидаги 21-мактабда қурилиш-таъмирлаш ишлари жадал олиб борилмоқда.

Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ.



МУЛОҲАЗА

Машинадан чиқинди улоқтиришни жарима билан тугатиб бўладими?



КЎЧАЛАР, МАҲАЛЛАЛАРДА ОЗОДАЛИК, ОБОДЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ УЧУН, АВВАЛО, ЎЗИМИЗНИ ИСЛОҲ ЭТИШИМИЗ ДАРКОР. ЗЕРО, ОДАМЛАРИ ПОКИЗА ЮРТНИНГ ЙЎЛЛАРИЮ ХИЁБОНЛАРИ ЖАРИМАСИЗ ҲАМ ОБОД БЎЛАВЕРАДИ

Айрим ривожланган давлатлардаги йўллар ҳақида кўп эшитамиз. Уларнинг равлони, озодалигини тилидан бол томиб мактайдиганлар сероб. Бу ҳикоялардан сўнг, қанийди, бизнинг йўллар ҳам шундай бўлса, деб орзу қилмаган инсон кам бўлса керак. Аммо машиналар дерзасидан сигарета қолдиғи, турли пакетлар, ҳатто сув идишларини улоқтирган инсонларга кўзимиз тушганида, халқимизнинг «шу холамга, шу поччам» деган нақлли ёдимизга тушади.

Бундай кимсаларнинг ҳаракатлари оқибатида йўлларнинг икки томони турли хил чиқиндилар тўлади. Айниқса, бўшаган салқин ичимлик идишлари ёз ойларида йўлларимизни «безайди». Сабаби ҳайдовчи ва йўловчилар машинада кетаётиб бўшаган идишларни шунчаки транспорт ойнасидан улоқтиришади. Афсуси, бу маданиятсизлик одамлар орасида жуда оммалашган. Буни узоқ йўлга кетадиганлар, бир шаҳардан бошқасига тез-тез бориб турадиганлар яхши билишади.

ҚОНУН НИМА ДЕЙДИ?

Катта йўл бўйлаб кетар экансиз, баъзида бўш идишлар машина ғилдираклари остида у ёқдан бу ёққа бориб келади, пачоқланади

ва охир-оқибат йўл четига чиқиб қолади. Бундай пластик буюмлар табиатга нақадар зарар келтириши ҳақида кўп ёзганмиз. Аммо ҳанузгача инсонлар орасида буни англамайдиган, тушунмайдиган кимсалар топилади.

Аслида, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг «Транспорт воситаларидан ахлат ёки бошқа нарсаларни ташлаб юбориш» деб номланган 123-моддасида «Поездларнинг вагонлари, автотранспорт воситалари ва шаҳар йўловчилар транспортдан ахлат ёки бошқа нарсаларни ташлаб юбориш — базавий ҳисоблаш миқдорининг иккидан бир қисми миқдоридан жарима солишга сабаб бўлади», дейилган. Бу ўртача 150 минг сўм жарима

ёзилишини англатади.

Қонунда ана шундай қоида белгиланган бўлишига қарамай, амалда бунинг учун чора кўрилган ҳолатлар ҳақида аниқ айта олмаймиз. Тўғрироғи, бу моддага, бу қонунга амал қилинаётганига гувоҳ бўлмаганмиз. Аммо Ўзбекистон Экологик партияси, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси расмий сайтларида, каналларида қонун бўйича машинадан чиқинди улоқтирмастик тўғрисида доим оғохлантирувчи хабарлар бериб борилади. Ушбу расмий саҳифалар аъзолари сони чекланганини инобатга олсақ, аксарият фуқаролар бундан беҳабар қолиб кетаётгани ачинарлидир.

НЕГА ХОРИҲДА ЙЎЛЛАР ТОЗА ТУРАДИ?

Машинадан йўлларга чиқиндиларни отиб кетиш дунё ҳамжамиятида қаттиқ қораланади. Кўплаб мамлакатларда бунга қарши жиддий жарималар белгиланган ва қатъий

амал қилинади. Ҳатто Россияда машинадан чиқинди ташлаганлар жаримага тортилиши бўйича қонун лойиҳаси Федерация Кенгашининг Конституциявий қонунчилик қўмитаси томонидан қўллаб-қувватланган.

Автомобилдан ташланган чиқинди учун: ишлаб чиқариш ва истеъмол чиқиндиларини йиғиш, сақлаш, ташвиш, қайта ишлаш, қайта ишлаш ёки зарарсизлантиришда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги талабларга риоя қилмаслик учун 3 минг рубл миқдоридан жарима белгилаш таклиф этилади. Такрорий қоидабузарлик учун максимал жарима миқдори 5 минг рублни ташкил қилади. Агар бузилиш инсон саломатлиги ёки атроф-муҳитга зарар этказса — 7 минг рубл.

АВВАЛО, ЎЗИМИЗНИ ИСЛОҲ ҚИЛАЙЛИК

Афсуски, қонунчилигимизда жарима қўллаш тизими, машина дерзасидан чиқинди улоқтирган кимсани ушлаб

олиш, айбини исботлаш каби жараёнлар ишлаб чиқилмаган ва бундай ёндашув муаммога умуман ечим бўла олмайди. Назаримизда, бунинг учун фуқароларда қонунлардан хабардорлик даражасини ошириш, экологик маданиятни юксалтириш лозим.

Шунингдек, йўлларда чиқиндилар учун махсус чиқинди йиғиш контейнерлари сонини кўпайтириш, катта шаҳарлар орасида маълум масофада ана шундай қутиларни ўрнатиш зарур. Қолаверса, жарималарни кескин қўллаш ва ундан тушадиган маблағни айнан чиқинди қутилари ўрнатишга йўналтириш мақсадга мувофиқ. Жамоат транспортларида чиқинди идишлари қўйиш тозаликни сақлашга хизмат қилади.

Кўчалар, маҳаллаларда озодалик, ободликни таъминлаш учун, аввало, ўзимизни ислоҳ этишимиз даркор. Зеро, одамлари покиза юртнинг йўлларини хийбонлари жаримасиз ҳам обод бўлаверади.

Улуғбек ИБОДИНОВ.

СПОРТ

«ЧАРМ ТЎП»ДА «ҚОРАТОШ» ҒОЛИБ БЎЛДИ

Пойтахтимиздаги «ЖАР» стадионида анъанавий «Чарм тўп» футбол мусобақасининг финал учрашуви бўлиб ўтди.

Айтиш керакки, Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Спортни ривожлантириш вазирлиги, Ўзбекистон футбол ассоциацияси ҳамкорлигида ўтказилган мусобақанинг қўйи босқичларида 443 057 нафар маҳалла ёшлари иштирок этди. Республика босқичида мамлакатимизнинг барча ҳудудидан 14 та жамоа тўрт гуруҳга бўлинган ҳолда ўзаро беллашди. Кескин ва мурасасиз ўтган учрашувлар натижасига кўра, Тошкент шаҳри Шайхонтоҳур туманидаги «Қоратош» маҳалласи

футболчилари мусобақа ғолиблигини қўлга киритди. Кейинги ўринлар Жиззах вилояти Арнасой туманидаги «Ғафур Ғулом» ҳамда Қашқадарё вилояти Касби туманидаги «Обод юрт» маҳалласи жамоаларига насиб этди. Финал беллашуви тантанали байрам руҳида ташкил этилиб, ашула-рақс ансамблларида турли чиқишлар иштирокчиларга кўтаринки кайфият улашди. Ғолиблар ташкилотчилар томонидан қимматбаҳо совға, диплом ҳамда кубок билан тақдирланди.



Mahalla

Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш вазирлигининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газетаси

МУАССИС:
«Mahalla» nashriyot-matbaa uyi» МЧЖ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2019 йил 24 сентябрда 0019 рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

Бош муҳаррир **Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ**
«Mahalla» газетаси муҳаррири **Санжар ИСМАТОВ**
«Mahalla ko'zgusi» журнали муҳаррири: **Хайрулла АБДУРАҲМОНОВ**
Дизайнер: **Абдулазиз АҲМЕДОВ**

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Мустақиллик шоҳкўчаси, 59-уй.
Индекс: 100192
Телефонлар: **71 233-39-89,**
Қабулхона: **71 233-10-92.**
Обуна бўлими: **71 233-10-92.**
Баҳоси келишилган нарҳда.
Нашр кўрсаткичи: **148**

«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Босмаҳона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.
Ўлчами — А3, 2 босма табоқ, **8 120 нусхада чоп этилди.**
Буюртма №: Г-718 1 2 3 4 5 6
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди ва офсет усулида босилди.